

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТУРКИЯ ЎРТАСИДАГИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
Туркия Республикаси вице-президенти Жавдат Йилмаз
бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Учрашув аввалида юксак мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғанининг саломи ва самимий тилакларини етказди.

Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини, энг аввало, савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳаларда янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Турли даражаларда фаол мулоқот ва алмашинувлар давом этаётгани катта мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро савдо ва

инвестициялар ҳажми, қўшма корхоналар сони, авиақатновлар кўпаймоқда.

Тошкент шаҳрида ўтган Хукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши, бизнес мулоқоти ва кўргазманинг самарали натижалари юксак баҳоланди.

Товар айирбошлашни, шу жумладан, Имтиёзли савдо тўғрисидаги битим доирасида товарлар номенклатурасини кенгайтириш орқали янада кўпайтириш бўйича ўзаро мувофиқлашган чоралар кўриш муҳим экани таъкидланди.

Инновациялар, энергетика, саноат, фармацевтика, тўқимачилик, туризм, таълим ва бошқа соҳаларда қўшма лойиҳаларни илгари суриш, кооперация лойиҳаларининг янги портфели ва маданий-гуманитар алмашинув дастурини шакллантириш зарурлиги таъкидланди.

Олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши кун тартибини тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИДА БИЛИМЛИ ВА ВАТАНПАРВАР ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ УЧУН БАРЧА ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 15 май куни мактаб таълими тизимидаги ислохотлар самарадорлигини янада ошириш бўйича устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

— Дунёда исбот талаб қилмайдиган бир ҳақиқат бор: ҳар қандай мамлакат тараққиёти соғлом ва билимли авлодга боғлиқ, — деди Президент сўзининг бошида. — Шу боис, Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида соғлом, билимли, теран фикрли, ватанпарвар ёшларни тарбиялаш учун барча шароитларни яратишимиз шарт ва зарур.

Ижтимоий соҳалардаги барча саяёҳаракатлар ана шу мақсадларга қаратилган. Охириги 7 йилда мактабгача ва мактаб таълими учун маблаг 7 карра

оширилган. Бу йил 60 триллион сўм ажратилган. Мактабларда 1 миллионга яқин, боғчаларда 1,5 миллион янги ўрин яратилди.

Малака, тил билиш, янги баҳолаш тизими, фан олимпиадалари каби мезонлар асосида ўқитувчиларга 10 дан ортққ астама жорий қилинди. Бундан самарали фойдаланган 60 минг ўқитувчи ҳозирда 8-12 миллион сўм маош оляпти.

Боғча тарбиячилари ойлиги 65 фоизга ошиб, мактаб ўқитувчилари маошига тенглашди. Янги ўқув йилидан

мактаб директорлари, ўринбосарлари ва боғча мудирларининг иш ҳақи 7-10 миллион сўмдан ошди.

Таълим дастурлари энг илғор мамлакатлар тажрибасига мослаштирилмоқда, дарсликлар янгиланяпти, мактабларга замонавий жиҳозлар олиб берилляпти. Энди муаллимлар янги методикаларни ўзлаштириб, болаларга яхши билим бериши керак. Бунинг учун педагогика йўналишидаги олий таълим сифатини ошириши зарур.

Давоми 2-бетда

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ИТТИФОҚНИНГ 150-ЮБИЛЕЙ АССАМБЛЕЯСИ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ 79-СЕССИЯСИНИНГ РАСМИЙ ҲУЖЖАТИ СИФАТИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ



Парламентлараро Иттифокнинг шу йил 5-9 апрелда пойтахтимизда бўлиб ўтган 150-юбилей ассамблеяси яқунлари бўйича қабул қилинган, ижтимоий тараққиёт ва адолат йўлида парламент ҳаракатларига бағишланган Тошкент декларацияси БМТ Бош Ассамблеяси 79-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида эълон қилинди.

Давоми 2-бетда

Ҳужжат БМТнинг барча олпита расмий тилида (инглиз, араб, испан, хитой, рус ва француз) нашр этилди. Шунингдек, ташкилотга аъзо давлатлар, унинг таркибий бўлинмалари ўртасида кенг тарқалди ҳамда расмий ҳужжатлар тизимида эълон қилинди.

Бош Ассамблея ҳужжатида кўра, ижтимоий тараққиёт ва адолат йўлида парламент ҳаракатларига бағишланган Тошкент декларациясида улкан мақсад, вазифа ва йўналишлар белгилаб берилган.

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА ЖОН ФИДО ЭТГАН ҚАҲРАМОНЛАР ХОТИРАСИ ҚАЛЪЛАРИМИЗДА ДОИМО ЯШАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг
9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан
Ғалаба боғида жамоатчилик вакиллари билан учрашувда
билдирган фикрлари



Ассалому алайкум, қадрли юртдошлар, мухтарам фахрийлар, азиз ёшлар!

Аввало, барчангизни 9 май — Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида эришилган буюк ғалабанинг 80 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Халқимизнинг “Меҳр — кўзда”, деган иборасида чуқур маъно бор. Мен сизларнинг кўпчилигингизни яхши танийман, гоёибона кузатиб бораман. Бутун сизлар билан мана шундай улуг айём кунларда дийдор кўришиб турганимдан гоёт хурсандман.

Бизнинг энг катта бойлигимиз — бу тинч ва осийишта ҳаётимиз, Ватанимиз мустақиллиги, халқимизнинг омонлигидир. Бутунги кунда барча ҳаракат ва ислохотларимиз, ҳамма эзгу ниятларимиз бир улуг мақсадга — давлатимиз истиклоли, эл-юртимизнинг тинчлиги ва осийишталигини мустаҳкамлашга қаратилган. Энг катта мақсад-муддаоимиз — меҳнаткаш, мард ва олижаноб халқимизни рози қилишдан иборат.

Ҳозирги вақтда, ўзингиз телевизорда кўряпсиз, шу йўлда бутун мамлакатимиз — бу Сурхондарё, Хоразм ёки Қорақалпоғистонда бўладими, Бухоро, Навоий ёки Самарқандда бўладими, Жиззах, Сирдарё ёки Тошкентда, Андижон, Наманган ёки Фарғонада бўладими,

ҳатто энг олис туман ва қишлоқларимизда ҳам барча-барча юртдошларимиз бунёдкор меҳнат билан банд. Илойим, мана шундай тинч ва осийишта ҳаётимизга кўз тегмасин!

Бутунги кунда дунё миқёсида вазият қандай таҳликали бўлиб бораётганини ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз. Фақат иқтисодиётда эмас, барча-барча соҳаларда мавжуд таҳдид ва хавф-хатарларни ҳисобга олиб, йўлимизни аниқ белгилаб, қанчалик қийин бўлмасин, фақат ва фақат олдинга қараб боришни даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Энг муҳим ва асосий масала — Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаб, одамларимизни ҳимоя қилишга, реал ҳимоя қилишга бор куч ва имкониятларни сафарбар этишимиз, танлаган йўлимиз тўғри эканини аниқ натижа ва ютуқлар асосида исботлашимиз керак.

Ҳеч шубҳасиз, бу йўлда мард ва матонатли халқимизнинг Иккинчи жаҳон уруши йилларида кўрсатган мислсиз жасорати, буюк ғалабани яқинлаштиришга қўшган бекиёс ҳиссаси биз учун доимо куч-ғайрат ва фахр-ифтихор манбаи бўлиб хизмат қилади.

Албатта, ҳаммангизнинг хабарингиз бор, жаҳон тарихидаги энг даҳшатли ана шу қиргин даврида Ўзбекистонда яшаган

6 миллион 800 минг аҳолидан қарийб 2 миллион нафари фронтга сафарбар этилган. Шундан 600 минг киши жанг майдонларида ҳалок бўлган, 200 минг нафар юртдошимиз бедарак кетган, яна 100 минг одамнинг дарағи ҳали ҳам топилгани йўқ, биз уларни излашда давом этапмиз.

Ана шу 2 миллионга яқин жасур ота-боболаримизнинг ғалабага қўшган ҳиссаси жуда катта бўлиб, буни ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайди. Улардан 214 минг нафари — эътибор беринг, 214 минг нафари — урушда кўрсатган улкан жасорати учун жанговар орденом медалларга, 301 нафари Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлгани, 70 нафар юртдошимиз учала даражадаги “Слава” ордени билан тақдирлангани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Мана шу ҳақиқатни ёшларимизга, ўз оиламиз, маҳалламиз ва жамоамизга ҳар куни айтишимиз, тушунтириб боришимиз керак. Чунки жанг майдонларида ёвуз душманга қарши кечяо кундуз мардона олишган қаҳрамон аждодларимизни қанча кўп улуғласак, бутунги озод ва фаровон ҳаётимизни шунча кўп қадрлаган бўламиз.

Давоми 3-бетда

ДУНЁ КИТОБХОНЛАРИ ФАРҒОНАДА ЖАМЛАНДИ

Халқаро фестиваль

Набирам Мубина кичик кутубхонамдан фойдаланишни сўраб мурожаат қилди. Умумтаълим мактаби 4-синф ўқувчисининг бу борадаги ташаббусини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватладим. У бизникига тез-тез келиб, китоб ўқишни одат қилди. Натижа уч ой деганда кўринди. Мубина аввалига ўзи ўқийдиган мактаб, сўнг туман миқёсида ёш китобхонлар ўртасида ўтказилган кўриктанлов гоилиблари сафидан жой олди... Энг муҳими, дунёқарашни кенгайди, ҳар бир масалада фикр-мулоҳазасига эга бўлиб, устозлари, тенгқурлари эътиборига тушди.



Давоми 5-бетда

Китобхонлик фақат билим олиш, мавлумотлар йиғишгина эмас, балки ҳис этиш, англаш ва мулоҳаза юритиш маданиятидир. Мутолаа шахс маънавияти, онгу тафаккури, таълим-тарбияси, дунёқарашини ва ахлоқий ғазилатлари юксалишида жуда муҳим. Шунинг учун ҳам инсоният ҳамиша китобни қадрлайди, китобхон, зиёлиларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатади.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШ ЙЎЛИДА БИЛИМЛИ ВА ВАТАНПАРВАР ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ УЧУН БАРЧА ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Ёшларни касб-хунарغا ўргатиш, тўғри тарбиялаш, зарарли таъсирлардан асраш ҳам долзарб масалалардан. Йигилишда соҳадаги ҳар бир йўналиш атрофича таҳлил қилиниб, устувор вазибалар белгиланди. Мактаб таълимини янги босқичга кўтарадиган ташаббуслар илгари сурилди.

Аввало, педагоглари тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимига эътибор қаратилди. Бу борада Абдулла Авлоний номидаги миллий-тадқиқот институти ва унинг 13 та ҳудудий маркази қайта ташкил этилди. Низомий номидаги олийгоҳ Миллий педагогика университетига айлантирилиб, унинг ректори бир вақтнинг ўзида мактабгача ва мактаб таълими вазирининг ўринбосари бўлди. Педагогик маҳорат ва халқаро баҳолаш маркази ташкил қилинди.

Бу имкониятлар асосида барча педагогика олийгоҳлари фаолияти тубдан ўзгартирилди. Масалан, Термиз педагогика институти мисолида айтганда, ҳозирги факультетлар ўрнида аниқ, табиий, ижтимоий, филология, амалий фанлар, мактабгача ва бошланғич таълим бўйича 6 та олий мактаб ташкил қилинади.

Фанлар сони мақбуллаштирилиб, 20 тадан 15 тага, таълим йўналишлари 31 тадан 17 тага туширилади, ўқув юкламаси 20 фоизга қисқаради. Яқин ҳудуддаги мактаблар унинг амалиёт базасига айлантирилади.

Институтнинг хорижий тил сертификатига эга 20 нафар ўқитувчиси шу йил Буюк Британия, Германия ва Сингапур каби давлатларга малака

оширишга юборилади. Келгуси уч йилда барча профессор-ўқитувчилар чет элда ўқитилади. “Топ-100” талик университетларда малака ошириш ва таълим хизматларини олиш тўғридан тўғри шартнома асосида бўлади.

Худудлардаги малака ошириш марказлари фаолияти ҳам кенгайтирилади. Улардаги профессор-ўқитувчилар АҚШ, Буюк Британия, Сингапур, Германиянинг илгор дастурлари асосида қайта тайёрланади.

Шу билан бирга, ўрта таълимдаги 17 та фаннинг ҳар бири бўйича алоҳида таянч мактаблари ташкил этилади. Таянч мактаби ўқитувчиси Малака ошириш марказига келиб, ўз йўналишида халқаро дастурлар асосида чуқур тайёрланади, уларга тренер мақоми берилади. Сўнгра бу тренерлар ўзига бириктирилган ҳудудда 25 нафар етакчи ўқитувчини ўқитади. Етакчи ўқитувчилар эса ўз мактабидаги бошқа муаллимларнинг малакасини ошириб боради.

Бундан ташқари, университет, марказ ва мактаблардан муаллимлар хорижга малака оширишга юборилади.

Бугунги кунда хусусий олийгоҳларга кенг йўл очилган. Лекин уларда педагогика йўналишидаги талабаларнинг 70 фоизи мактабгача таълим, бошланғич таълим ва филология бўйича таҳсил оляпти. Бирортасида кимё, биология ва физика бўйича муаллим тайёрланмайдиган. Ваҳоланки, мактабларимизда аниқ ва табиий фанлар бўйича ўқитувчилар етишмайди.

Шу боис, бундан буён, хусусий олийгоҳлардаги педагогик йўналишлар давлат институтларига мувофиқлаштирилади. Улардаги педагоглар ва талабалар билими ташқи

диагностикадан ўтказилади. Бу орқали нодавлат олийгоҳларда педагоглар тайёрлаш сифати назоратга олинади. Давлатимиз раҳбари ёшларни нуфузли хорижий университетларда ўқитиш масаласига алоҳида тўхтади. Фарзандларимиз жуда иқтидорли экани, фақат уларни тўғри йўналтириб, мақсадли тайёрлаш зарурлиги таъкидланди.

Шу мақсадда “Президент иқтидорли фарзандлари” миллий дастури бошланади, Ал-Беруний номидаги халқаро мактаб ташкил этилади. Унга 8-синф битирувчиларидан 60 нафар саралаб олинди, рейтингни юқори олийгоҳларга мақсадли тайёрланади.

Бундан ташқари, Президент ва ихтисослаштирилган мактаблардан 208 нафар маслаҳатчи умумтаълим мактабларига бириктирилади. Бу маслаҳатчилар мактаблардан ҳар йили энг салоҳиятли 3 минг ўқувчини селекция қилиб, АҚШнинг Гарвард, Йель, Колумбия, Корнель каби “Печак лигаси” олийгоҳларига тайёрлайди.

Билимсеварликка пойдевор қўйишда мактабгача таълимининг ўрни жуда муҳим. Бугунги кунда юртимизда 7 мингта давлат ва 31 мингдан зиёд хусусий ботчалар фаолият юритмоқда. Олти ёшли болаларнинг 96 фоизи мактабга тайёрлов гуруҳлари га қамраб олинган. Кейинги йили бу рақам 100 фоизга чиқади.

Энди илгор хорижий тажриба асосида мактабга тайёрлов гуруҳлари ва бошланғич таълим ўқув дастурлари ўзаро уйғунлашади. Бунинг учун богча болаларини математика, табиий фанлар ва технология йўналишларида танқидий ва креатив фикрлашга ўргатидиган дастурлар ишлаб чиқилади.

Шунингдек, богча тарбиячиларининг малакаси, маҳорати ва психологик тайёргарлигини ошириш учун касбий сертификатлаш тизими жорий этилади.

Йигилишда ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш чора-тадбирлари ҳам белгиланди.

Шу мақсадда “Баркамол авлод” мактаблари, “Ёшлик” спорт жамияти ва Республика ўқувчи-ёшлар маркази ягона тизимга бирлаштирилади. Улар таъмирланиб, замонавий йўналишларга мос жиҳозланади, хорижий тиллар, сунъий интеллект, дастурлаш ва анимация каби янги тўғарақлар очилади.

Ўқувчилар ўртасида туризмни ривожлантириш бўйича ҳам янги тизим яратилади. Қорақалпоғистон, Хоразм, Самарқанд, Бухоро ва пойтахтдаги “Баркамол авлод” марказларида камида 100 ўринли “Болалар сайёҳлик базаси” ташкил қилинади. Ҳар йили 1 миллион ўқувчи учун Ўзбекистон бўйлаб саёҳатлар уюштирилади.

Болаларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш — ҳаммамни ўйлантираётган муаммо. Шу боис, Президент қарорига мувофиқ, Мактабгача ва мактаб таълими вазирилиги ҳузурида Болалар контентини ривожлантириш маркази ташкил қилинди. У маҳаллий ишдоқорларга миллий контентлар яратиш бўйича буюртма беради, соҳада кадрлар тайёрлашни ташкил қилади.

Шунингдек, ёзги таътилда ёшларни оромгоҳлар ва фойдали машғулотларга жалб этиш, спорт мусобақалари, интеллектуал ўйинлар ва санъат кечалари ўтказиш бўйича вазибалар белгиланди.

ЎЗА

“

Нафақат давлат органлари, жумладан, парламентлар ҳамда миллий ва муниципал миқёсда фаолият юритувчи, балки аҳолининг ижтимоий ривожланиш соҳасидаги эҳтиёжларини турли йўллар билан қондирадиган давлат бошқаруви органлари ва оммавий ахборот воситаларини ҳам ўз ичига олган институтлар мавқеини мустаҳкамлаш. Шу муносабат билан жаҳон миқёсида халқаро молия институтлари, Халқаро меҳнат ташкилоти ва умуман, БМТ тизими каби кўп томонлама ташкилотларга эҳтиёж борлиги таъкидланган.

ПАРЛАМЕНТЛАРА О ИТТИФОҚНИНГ 150-ЙУБИЛЕЙ АССАМБЛЕЯСИ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ 79-СЕССИЯСИНИНГ РАСМІЙ ҲУЖЖАТИ СИФАТИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Бошланиши 1-бетда

Унда ижтимоий тараққиёт борасидаги саъй-ҳаракатларни янгилашга қаратилган ишлар, мавжуд ва юзага келаётган муаммолар ечимини биргаликда излаш зарурлиги алоҳида таъкидланган.

Декларацияда ҳукуматларга ижтимоий ривожланишга комплекс ёндашиш ва ҳар бир давлат томонидан мустақил равишда қўйидаги учта йўналиш бўйича белгиланиши керак бўлган сиёсий ислохотлар пакетини амалга ошириш тавсия этилгани алоҳида қайд этилди:

Биринчиси, одамларга, яъни уларнинг таълимига, соғлиғига ва атроф-муҳитга, шунингдек, ҳаётнинг барча босқичларида одамлар гуллаб-яшнаши ва имкон қадар тўлиқ ҳаёт кечириши учун ижтимоий тараққиётнинг асосий шартли бўлган ижтимоий муносабатларни ўрнатиш, бизнес бошлаш ёки муносиб иш топиш имконини берадиган қўниқмаларга сармоя киритиш.

Иккинчиси, иқтисодиётини демократлаштириш, у барча инсонлар манфаатларига жавоб бериши, уларнинг салоҳиятини кучайтириши, эҳтиёжларини қондириши учун ҳар бир киши муваффақиятга эришиш имкониятига эга бўлиши керак. Аъзо мамлакатларнинг солиқ-бюджет ва

пул-кредит сиёсати ҳам сифатли бандликни таъминлашга, жумладан, тадбиркорликни ривожлантиришга, қарорлар қабул қилиш жараёнида барча одамларни, айниқса, аёллар ва ёшларни жалб этиш орқали ижтимоий ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлашга кўпроқ йўналтирилиши лозим.

Учинчиси, нафақат давлат органлари, жумладан, парламентлар ҳамда миллий ва муниципал миқёсда фаолият юритувчи, балки аҳолининг ижтимоий ривожланиш соҳасидаги эҳтиёжларини турли йўллар билан қондирадиган давлат бошқаруви органлари ва оммавий ахборот воситаларини ҳам ўз ичига олган институтлар мавқеини мустаҳкамлаш. Шу муносабат билан жаҳон миқёсида халқаро молия институтлари, Халқаро меҳнат ташкилоти ва умуман, БМТ тизими каби кўп томонлама ташкилотларга эҳтиёж борлиги таъкидланган.

Бундан ташқари, ҳужжат барча парламентлар ва аъзоларини Тошкент декларациясини амалга ошириш учун масъулиятни ўз зиммасига олишга ва ўзгаришлар жараёнини умумжаҳон иштироки учун очиқ бўлган миллий режаларни ишлаб чиқишдан бошлашга чақиради.

“Дунё” АА,

Нью-Йорк шахри

Муносабат

СИФАТЛИ ТИББІЙ ХИЗМАТ АҲОЛИГА ЯҚИНЛАШМОҚДА



СеваРА УБАЙДУЛЛОЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

Чунки касалликни даволашдан кўра, олдини олиш оила учун ҳам, давлат учун ҳам самарали ҳамда фойдалидир. Соғлиқни сақлаш инсон ҳаёти учун энг керакли неъмат бўлгани тўғрисида давлатимиз ижтимоий сиёсатининг муҳим йўналиши этиб белгиланган.

Кейинги йилларда мамлакатимизда “Инсон қадрини учун” тамойили асосида ҳалқимиз соғлигини, аҳолининг соғлом турли кечирилишини таъминлаш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Ислохотлар, энг аввало, бирламчи тиббиёт бўғини, тез ва шошилинч тиббий ёрдам тизимини ўзгартиришдан бошланди. Ҳар бир маҳаллада хонадонбай ишлайдиган патронаж хизматини ташкил этиш орқали соғлиқни сақлаш тизими аҳолига яқинлаштирилди.

Юқори малака ва технологиялар талаб қиладиган тиббий хизматлар кўлами кенгайиб, тиббиёт ташкилотлари ва аҳолини дори-дармон, тиббиёт буюмлари билан таъминлаш учун бюджетдан ажратилаётган маблағ ҳажми йилдан йилга ортиб бораёттир. Хусусан, сўнгги 7 йилда тиббиётга ажратилаётган маблағ 6 карра ошиб, жорий йилда 42 триллион сўмга етди.

Албатта, кейинги йилларда тиббиёт соҳасидаги ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Бунда давлатимиз раҳбарининг қатор фармон ва қарорлари, соҳага оид ҳуқуқий ҳужжатлар муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилаёттир.

Президентимиз раислигида шу йил 7 май кунини ўтказилган видеоселектор йиги-

Иссиқ жон иситмасиз бўлмайди, дейишади. Ҳар бир инсон касал бўлиши, шифокор кўмагига эҳтиёж сезиши мумкин. Кунда бўлмаса-да, кунора тиббиёт муассасаларига мурожаат қиладиганлар бор. Аҳоли ҳаётида катта ўрин тутадиган соҳалардан бири соғлиқни сақлаш тизимидир.

лишида ҳам тиббиёт соҳасидаги ишлар таҳлил қилиниб, долзарб вазибалар белгиланди. Хусусан, бирламчи бўғин ва ихтисослашган муассасаларда хизматлар сифатини ошириш, дори истеъмолини тартибга солиш ҳамда тиббий таълимни такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатдаги ҳар ўн минг кишига 27 шифокор тўғри келади. Бу АҚШ, Буюк Британия, Финляндиядаги билан бир хил кўрсаткич. Туркия ва Канадада эса бу рақам 1,5 баробар кам ҳисобланади. “Қўриб турибсиз, бизда тиббиёт ходимлари сонига ҳам, молиялаштиришда ҳам муаммо йўқ. Лекин сифат-чи? Бу борада эътирозли саволлар жуда кўп”, деди Президентимиз.

Масалан, маҳаллада бирламчи бўғин тўғри ишламагани учун туманларда касалланиш ва оғир асоратлар камаймапти. Юқумли бўлмаган касалликлар мамлакатимиз иқтисодиётига ҳар йили 1 миллиард доллар атрофида зарар келтиряпти. Тез тиббий ёрдамдаги жами қақирувларнинг тўртдан бири сурункали касаллиги бор беморларга тўғри келмоқда. Баъзи жойларда

тез ёрдам худди поликлиникадек бўлиб қолган.

Вилоят ва туман шифохоналарида ходимлар сони, ўринлар, маблағлар тўғриси тақсимланмаган. Демак, барчамиз давлатимиз раҳбарининг ўринли танқидларидан тўғри хулоса қилишимиз керак. Тўғри, йилдан йилга тиббиёт тизимида ижобий ўзгариш ва янгиланишлар бўй кўрсатяпти. Аммо шунга қарамай, бирламчи бўғинда беморларга тиббий хизмат кўрсатиш сифати пастлиги соҳадаги энг оғриқли муаммолардан бири бўлиб келмоқда.

Масалан, ўтган йиллар давомида юртимиздаги ўлим ҳолатлари асосан, ана шу бўғиндаги камчиликлар, масалан, юрак-қон томир касалликларига ўз вақтида тўғри ташхис қўя олмаслик тўғрисида бўлган. Шу маънода, тиббиётнинг бирламчи бўғинини замонга қараб, ҳалқимизнинг талаб ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ташкил этиш кечиктириб бўлмайди-ган муҳим вазифадир. Зеро, касалликлар профилактикаси, уларни эрта аниқлаш ва асоратининг олдини олиш ишлари айнан шу бўғинда амалга оширилади.



Ҳар ойнинг охири ҳафтасида сайловчилар билан мулоқотлар ўтказамиз. Очиги, учрашувлар давомида аҳоли томонидан тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича кўплаб таклифлар, мурожаатлар бўлади. Фуқаролар энг кўп мурожаат қиладиган масала ҳам кўп ҳолларда бирламчи тиббий ёрдам муассасалари юзасидандир. Агар бу тизимда иш тўғрисида таътил, аҳоли эътирозларига ўрин қолмайди.

Йигилишда давлатимиз раҳбари бу масаланинг аниқ ечимларини кўрсатиб бериб, муҳим ташаббусларни илгари сурди. Белгилаб берилган аниқ ва қатъий вазибалар мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини замон талаблари даражасига олиб чиқишга хизмат қилиши аниқ. Хусусан, тиббий ёрдамнинг қафолатланган пакети тасдиқланиб, пакет доирасида тиббий хизмат ва дори-дармонлар тўлиқ бюджетдан қопланиши юртдошларимизни фаолликка қорлаб, ҳаракатга келтиргани рост.

Охириги пайтларда жойларда шифокорлардан аҳоли норозилиги ошиб, беморларнинг яқинлари ва шифокорлар ўртасида турли низолар келиб чиқаётгани ҳақида турли хабарлар тарқалмоқда. Чунки соҳада кадрлар етишмовчилиги, кам сонли шифокорлар иш юкламасининг йиллар давомида юқори бўлиб қолаётгани сифатли тиббий хизмат кўрсатишга халал бермоқда.

Поликлиникада акушер-гинекологлар 2 баробар кўпайтирилиши, ҳар 3 минг бола учун 1 тадан педиатр штати янгидан қўшилиши, бундан буён бирламчи бўғинда ярим ёки 0,25 ставка бўлмаслиги, барча шифокор ва ҳамширалар фақат тўлиқ ставкада ишлаши юқоридаги каби муаммоларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Қисқаси, Президентимиз томонидан белгилаб берилган бу борадаги вазибалар соҳадаги ислохотларини давом эттириб, тиббий хизмат сифатини ошириш, бирламчи бўғинини замон талабларига мослаштириш, тизим ходимларини фаол қўллаб-қувватлаш ва уларга шароит яратишда муҳим аҳамиятга эга.

Бирламчи тиббий хизматнинг давр талабларига мос равишда яхшиланиши тиббиётнинг аҳолига яқинлашиши ва ўз навбатида, аҳолининг ҳаётдан розилигига хизмат қилади. Тизимдаги ислохотлардан қуттилаётган мақсад ҳам шу аслида. Мана шу эзгу мақсаднинг қадам-бақадам рўёбга чиқиши “Инсон қадрини учун” тамойилининг жамиятимиз ҳаётида, хусусан, соғлиқни сақлашда амалий тасдиқини топишдан далolat беради.

Йигилишда белгилаб берилган устувор вазибалар нафақат соҳа вакиллари, балки биз — депутатлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Бу жараёнда ушбу вазибаларнинг самарали бажарилишини устидан домий равишда парламент назоратини олиб боришимиз, соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришимиз керак.

Нуктаи назар



WORLD TRADE ORGANIZATION

Жаҳон савдо ташкилоти давлатлараро кўп томонлама савдо тизимини мувофиқлаштириб турувчи нуфузли халқаро тузилмадир. Дунёдаги энг йирик ушбу иқтисодий ташкилотга 170 га яқин мамлакат аъзо ва улар хиссасига глобал савдо ва жаҳон яли ички маҳсулотининг 95 фоизи тўғрисида келади. Шу жиҳатдан Президентимизнинг жорий йил 14 май кунини Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёни ва уни жадаллаштириш чора-тадбирлари бўйича тақдирот билан танишиб, зарур тавсиялар бергани бежиз эмас.

ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИГА АЪЗОЛИК ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ЗАМИНИ

“

Тақдирот давлатимиз раҳбарининг алоҳида назорати асосида кейинги йилларда ушбу йўналишда қўрилаётган чораларнинг мантиқий давоми бўлди. Чунки сўнгги пайтларда бу борадаги ишлар анча фаоллашди. Ҳуқуқий асослар мустаҳкамланиб, аъзо бўлиш муддатлари белгилаб олинди.

“

Ташкилотга аъзо бўлиш учун мажбурий бўлган бемийл ва қоидалар таъминлаш. Асосийси, улар глобал иқтисодиётда халқаро савдо изчиллиги ва шаффофлигини тартибга солишга, аъзо мамлакатларнинг барқарор тараққиётини таъминлаш ва инсонлар турмушини яхшилашга қаратилгани билан аҳамиятли.

Ўзбекистон 1994 йилда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш учун расмий ариза тақдим этган бўлса-да, фаол музокара-ларга 2017 йилдан киришилди. Бу жараён мамлакатнинг глобал иқтисодиётга интеграциялашуви, экспорт салоҳиятини ошириш ва инвестицион муҳитни яхшилашда муҳим қадам ҳисобланади.

ЖСТга аъзо бўлиш экспорт-импорт балансини яхшилаш, ташқи савдодаги тўсиқларни бартараф этиш ва глобал қоидалар асосида савдо қилиш имконини беради. Махсулотларимизни жаҳон бозорига тўсиқсиз етказиб бериш имкониятиимизни оширади. Бозор ислохотларини ривожлантириб,

монопол тизимларни камайитиришга олиб келади. Қонунчилик, тариф, санитар ва фитосанитар нормаларни халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга асос бўлади.

Ўзбекистон халқаро савдо стандартларига мослашиш орқали экспорт имкониятларини кенгайтириб олади. Турли тўсиқлар қисқариб, бозорда рақобат-бардошлик ошади.

Шунингдек, иқтисодиётда қонуний қоидалар ва шаффофлик таъминланиб, инвесторларнинг ишончи мустаҳкамланади. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар халқаро стандартларга мослашади. Яъни улар фақат ўзимизда эмас, дунёга чиқишга интилади. Натижада катта лойиҳа ва ташаббуслар, гоёлар вужудга келишига замин яратилади. Бу иқтисодиёт учун ҳам, жамият учун ҳам жуда манфаатли.

Илмий нуктан назардан, ЖСТга аъзолик миллий бозорни рақобатга очади. Шунинг учун кичик ва ўрта бизнесни тайёрлаш, ички ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш механизми кучайтирилиши лозим.

Умуман олганда, Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши иқтисодий ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида глобал бозордаги иштирокимизни мустаҳкамлайди. Бу жараён нафақат ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиради, балки ички иқтисодий тизимда шаффофлик, рақобат ва самарадорликни оширишга ҳам туртки беради. Бугунги саъй-ҳаракатлар ана шу мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Абдувоҳид АБДУҚАЮМОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил тадқиқотчиси

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА ЖОН ФИДО ЭТГАН ҚАҲРАМОНЛАР ХОТИРАСИ ҚАЛБЛАРИМИЗДА ДОИМО ЯШАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Ғалаба боғида жамоатчилик вакиллари билан учрашувда билдирган фикрлари

Бошланиши 1-бетда

Биз мана шу Ғалаба боғини бежиз барпо этганимиз йўқ. Бу улугвор мажмуа — халқимизнинг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссасини яққол кўрсатиб турадиган қутлуг маскан, улуг зиёратгоҳдир. Айни вақтда бу фарзандларимизга аждоқларимиз жасоратидан сабоқ берадиган ўзига хос тарбия ўчоғи, десак, тўғри бўлади. Энг муҳими, ушбу боғ халқимизнинг Ватан ҳимояси йўлидаги қаҳрамонлик анъаналари барҳаёт экани, уларни ҳар бир авлод шараф билан давом эттириши зарурлигини барчамизга эслатиб, таъкидлаб туради.

Бундай боғ эл-юртимизнинг орзуси эди. Мана, одамлар бу табарруқ масканга қандай интилишини кўрсатадиган бир мисол — ўтган қисқа даврда бу ерга 3 миллиондан зиёд киши келиб, зиёрат қилиб кетган. Уларнинг орасида кексаю ёшлар, вилоятлардан, узоқ-узоқ қишлоқлардан, маҳаллалардан келган одамлар, чет элликлар бор. Улар ушбу мажмуадаги “Шон-шараф” музейи ва бошқа ёдгорликларда ўзининг бобоси, отаси, бувиси ёки қариндошларига оид ҳужжатлар, расм ва лавҳаларни кўриб, хурсанд бўлиб, катта таассурот ва гурур билан кетаяпти. Бир сўз билан айтганда, бу боғнинг келгусида эзгу мақсадларга хизмат қилишини инобатга олиб, уни ҳам тарихий, ҳам замонавий талаблар асосида мана шундай пухта барпо этганимиз ҳар томонлама тўғри бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи исботламоқда.

Ғалаба боғи — бу ҳамиша барҳаёт қаҳрамонларимиз тимсоли, ўзлимизни ифодаси, қандай сабот-матонатли халқ эканимизнинг ёрқин амалий тасдиғидир.

Энг асосийси, биз бу мажмуани ҳам шаклан, ҳам мазмунан бойитиб, кенгайтириб бораёلمиз. Эл-юртимиз, хорижий мамлакатлардаги дўстларимиз, ҳамкорларимиз бу борада катта ёрдам берапти. Шу тариқа халқимизнинг Иккинчи жаҳон уруши ва мустақиллик давридаги қаҳрамонлиги чуқур ўрганилиб, янги-янги материаллар, ҳужжатлар топилиб, эълон қилиб борилаётган.

Ана шу ишларнинг давоми сифатида боғ ҳудудида **“Хотира нури” композицияси** барпо этилди. Кўриб турганингиздек, парвоз қилаётган бир жуфт қуш шаклидаги бу монументал асар Иккинчи жаҳон уруши жангтоҳларида жон олиб-жон берган ота-боболаримиз ҳамда фронт ортида меҳнат қилган ватандошларимизнинг тенгсиз жасоратини мадҳ этади. У авлодлар ўртасидаги ворисийлик анъаналарини намоён этиши билан ҳам ғоят аҳамиятлидир.

Ҳеч шубҳасиз, мустақиллик йилларида Ватанимиз сарҳадларини дахлсиз сақлаш, бутунги тинч ва осойишта ҳаётни ҳимоя қилиш йўлида мардларча ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари ҳам бизнинг қаҳрамонларимиз. Улар биз учун ҳамиша барҳаётдир. Халқимиз, айниқса, ёшларимиз мустақил Ўзбекистоннинг ҳам ана шундай қаҳрамонлари борлигини билиши ва уларни ҳеч қачон унутмаслиги зарур.

Мен 2023 йил март ойда Сурхондарёда сизларнинг кўпчилигингиз — ана шундай марҳум аскар ва офицерларимизнинг оила аъзолари, яқинлари билан учрашганман, фикр ва тақлифларингизни эшитганман. Мана шу қаҳрамонларимиз хотирасига ҳам ёдгорлик ўрнатсак, деган орзу, керак бўлса, армон мени доим ўйлангириб келарди. Бу нафақат менинг, балки ана шундай ботир ва доворак она юрт посбонларини тарбиялаган сиздек ота-оналарнинг, қолаверса, қаҳрамонларимизнинг аёллари ва фарзандларининг, бутун халқимизнинг орзуси эди, десак, албатта, хато бўлмайди.

Халқимизнинг ана шу баҳодир ўғлонларимизга бўлган ҳурмат-эҳтиромини таъсирчан бир шаклда акс эттириш, ҳаётдан эрта кетган бу навқирон фидойи инсонларнинг Ватанимизга бўлган меҳри, садоқати ва жасоратини ана шу ёдгорликда кўрсатиш ҳақида ўз фикрларимни айтиб, архитектор ва ҳайкалтарошлар, тарихчи олимлар, ижодкор зиёлилар билан жуда кўп мулоқот қилганман.

Ана шундай интилишларимиз натижаси сифатида бугун Ғалаба боғида янги бир ёдгорлик — **“Миллат фидойилари”** монументи барпо этилганини барчамиз кўриб турибмиз.

Албатта, ушбу монументда номлари зарҳал ҳарфлар билан муҳрлаб қўйилган 196 нафар марҳум ҳарбий хизматчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг ҳар бири, Иккинчи жаҳон уруш қатнашчилари каби, ҳаётнинг кўп-кўп неъматларидан баҳраманд бўлишга улгурмаган. Бу шер-юррак ўғлонларимизнинг ҳам келажақ орзулари бор эди, уларни олдинда яхши ва ёруғ кунлар, ота-онаси, оиласи, шириндан-ширин фарзандлари кутаётган эди. Лекин мамлакатимиз истиқлоли, халқимиз тинчлигига нисбатан реал хавф тугилган пайтда, улар бир дақиқа ҳам ўйлаб ўтирмасдан, жонажон Ватанимиз ҳимояси йўлида ўзларини қалқон қилишди. Бу фидойи ҳарбийлар шу тариқа бутунги Янги Ўзбекистон учун мустақкам замин яратиб кетишди. Шу боис, биз уларнинг хотираси, руҳи покларни олдида доимо қарздормиз.

Мен шу ҳақда кўп ўйлайман. Нафақат ўйлайман, жойларда бўлганимда вилоят ва туман ҳокимлари, нуронийларимиз, маҳаллалар ва жамоатчилигимиз вакиллари қаҳрамон жангчиларнинг оилалари ҳақида доимо ғамхўрлик қилишга, уларнинг жасоратини кўпроқ тарғиб этишга чақириб келаман.

Мана, бугунги маросимда ҳурматли оқсоқолларимиз, нуронийлар, кўпни кўрган акаларимиз, ўз ҳаёти давомида доимо кўпчиликка намуна бўлиб келадиган олижаноб инсонлар қатнашмоқда. Улар тинч ва ёруғ кунларнинг қадрини, бугунги нузли, файзли ҳаёт ниманинг ҳисобидан келганини бошқалардан кўра яхши тушунишади.



Албатта, **“Миллат фидойилари”** хотира ёдгорлигини имкон қадар кўпроқ одам келиб кўришга интилади. Лекин биз бундай интилиш ва ҳаракатларни ташкилий нуқтани назардан аниқ йўналишга солишимиз зарур.

Яна бир бор айтаман, бу масканда номлари қайд этилган баҳодирларимизнинг жасорати, номлари ва хотираси эл-юртимиз қалбидан ҳеч қачон ўчмайди.

Сиз, азизлар, бу мажмуага биринчи бўлиб таъриф буюрган инсонларсиз. Сизлардан илтимосим шуки, бу ҳақиқатни барчага етказишимиз керак. Бу ерни доимий обод қилиб, доворак фарзандларимиз руҳларини шод этиш — бизнинг муқаддас вазифамиз.

Бугунги замонавий ахборот технологиялари ютуқлари асосида бу ерда катта ишларни амалга оширдик. Айниқса, сунъий интеллект ёрдамида марҳум жангчи ўғлонларимиз бамисоли тирик инсондек гапирарди. Буни кўриб, уларнинг овозини эшитиб, фарзандлари, аёллари, набиралари эртага қўшниси, дўсти ёки танишига бориб, бизнинг отамиз, бобомиз ҳеч қачон ўлмаган, ҳамиша тирик деб айта олади.

Ушбу ёдгорлиқнинг бекиёс аҳамияти ҳақида гапирганда, мен бир фикрни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Маълумки, биз Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича кенг кўламли ислохотларни бошлаган биринчи кунларданок **халқимизни рози қилиш, “Инсон қадри учун” деган эзгу ғояни амалга ошириши** ўзимиз учун бош мақсад этиб белгиладик.

Инсон қадрини эъзозлаган давлат ҳеч қачон кам бўлмайди. Мен мана шу



боққа, мана шу ёдгорликни томоша қилишга келган киши Ватан мустақиллиги учун курашган, жон фидо этган одам асло эл-юртнинг назаридан четда қолмаслигини, келгуси авлодлар уларни эсидан чиқармаслигини чин юракдан ҳис этишини истар эдим. Ана шундагина халқ ҳаётида фидойилик ва қаҳрамонлик анъаналари бардавом бўлади. Ана шундагина инсон қадри ва ҳаёти нақадар буюк бойлик экани яққол аён бўлади.

Азиз болаларим, сизлар бунга, албатта, қодирсиз!

Ҳеч қачон унутманг, қўшниларингиз, маҳалладошларингиз **“Бўлар — қаҳрамон оила фарзандлари”** деб сизларга алоҳида ҳурмат ва эътибор билан қарашади.

Бу — инсон учун катта бахт ва шараф, айни пайтда улкан масъулият ҳам, десак, адашмаган бўламиз.

Сизлар шунга доимо муносиб бўласиз, деб ишонаман.

Ҳурматли шоир ва адибларимиз, журналистларимиз ана шундай оилалар ҳақида, уларнинг қаҳрамон оталари ҳақида янги асарлар, китоблар ёзадилар, деб умид қиламан. Мана шундай оилаларнинг аёллари, фарзандларини бошқаларга намуна қилиб кўрсатсак, бу ҳам албатта, миллий ўзлимизни англашга, гуруримиз ва маънавиятимизни кучайтиришга, халқимизни янада бирлаштиришга хизмат қилади.

Буям тарбия, буям тарих, буям ибрат бўлади. Айни пайтда бу ана шу оилалар тўғрисида ана бир маънавий ғамхўрлик ва эътибор, уларнинг фарзандларига яхшилик қилиш, умр йўлдошларига шукроналик, сабр тилаш билан баробардир.

Ўзингиз кўрпясиз, “тўқликка шўхлик” деганларидек, ҳозирги замонда бизга ярашмайдиган ишлар ҳам, афсуски, кўп бўляпти. Буни ҳам унутмаслигимиз шарт. Бугунги эркин ҳаёт бераётган имкониятларни ҳамма ҳам тўғри қабул қилмапти. Буям айни ҳақиқат.

Эркинлик ва озодликнинг, тинчликнинг қадрига етиш — бу осон эмас. Бу — ўта оғир ва машаққатли иш. Бунинг учун ҳам илм, тарбия, маданият ва ирода керак. Шу боис, мен **“Биз ҳали изланишдамыз”** деган фикрни кўп такрорлайман. Ўрганиш, изланиш ҳеч қачон тўхтамаслиги керак. Олдинга қараб интилган халқ ва миллатнинг келажаги албатта ёруғ бўлади.

Яқинда Хоразмда бўлганимда бир гуруҳ ёшлар билан учрашдим. Ўрганчилик қизимиз Мафтуна Очилованинг ўта ҳаяжонли сўзлари ҳалиям қўлогимда жаранглаб турибди: “Муҳтарам Президент, мен отасиз ўстанман, онам уч нафар фарзандни бир ўзи тарбия қилдилар. Биз камбағал оила эдик, турмушимиз, шароитимиз жуда оғир эди. Мана, энди камбағалликдан қутулдик.

Сизнинг ташаббусингиз билан, муҳтарам Президент, китобхонлик бўйича ўтказилган танловда ёшлар орасида республикада биринчи ўринни эгалладим ва Сизнинг совғангиз — электромобилга эга бўлдим. Ўша пайтдаги қувончимни сўз билан ифода этиб беролмайман!” — деди қизимиз кўзида ёш билан.

Кўрдингизми, дунёда адолат ва ҳақиқат мезони барибир мавжуд. Олдий бир қизимиз шу гапларни йиғлаб-йиғлаб айтганида, менинг кўнглим ҳам беихтиёр бошқача бўлиб кетди. Буни мен ҳам сўз билан ифода этиб беролмайман. Қаранг, эзгулик қандай буюк, қандай қудратли куч!

Ҳаётда доимо мана шундай эзгу ишларга интилиб яшасак, бир-биримиздан меҳримиз, ёрдамимизни аямасак, кўзлаётган улуг мақсадларимизга албатта етамиз.

Қаранг, шу хоразмлик қизимиз бутун қалби билан тиришиб, интилиб, тинимсиз меҳнат қилиб, майли, қийналиб бўлса ҳам, дастлабки катта ютуққа эришибди. Онаси минг бир машаққат билан оиласини қашшоқликдан олиб чиққан бўлса, бу қизим, онасидан ибрат олиб, бу оила маънавий жиҳатдан қандай кучли эканини бутун юртимизга кўрсатди. Буям жасорат ва матонат намунаси.

Энди бу оилани ҳеч ким камбағал оила деб айтолмайди. Мана шундай кучли



қизлари бўлган оила ҳеч қачон камбағал бўлмайди. Бу — ҳаётнинг азалий ҳақиқати. Ўзингиз тасаввур қилинг, китоб мутолааси бўйича миллионлаб Ўзбекистон ёшлари орасида биринчи ўринни эгаллаш учун битта эмас, юзлаб, балки, минглаб китоб ўқиш керак. Чунки бу танлов дастлаб маҳалла ва туманда, шаҳарда, вилоят даражасида бўлади, охири республика миқёсида яқини етади. Уни жуда билимли ва талабчан ўқитувчи ва мураббийлар, адабиётшунос олимлар, шоир ва адиблар назорат қилиб боради.

Шу маънода, Мафтуна Очилова китобхонлик бўйича мамлакатимизда биринчи ўринни олгани — катта натижа. Лекин бу фарзандимизда ўзига, ҳаётга, одамларга ишонч пайдо бўлгани, энг муҳими, адолат юзага чиққанини мен ундан ҳам катта ютуқ деб ҳисоблайман.

Қани энди, барча ёшларимиз салгина телефонни чеккага суриб қўйиб, китобга кўпроқ эътибор берса. Уларга насихат қилиб, китоб нақадар буюк мўъжиза экани, унда ҳаёт сирлари ва ҳикматлари яширинганини болалигидан онгига сингдириб борсак, фарзандларимиз китоб билан дўст бўлса, уларнинг фикри ҳам, дунёқарashi ҳам бошқача бўлади. Уларни ҳеч қандай ёвуз куч ёмон йўللарга бошлай олмайди. Мана, тарбиянинг сирли, калити қаерда!

Шунинг учун ҳар бир ишимиз замирида маънавият, маърифат, илм ва ҳикмат мужассам бўлиши керак. Шундагина азиз Ватанимизнинг эртанги кунига ишончли пойдевор қўйган бўламиз. Бу пойдевор мустақкам бўлиши учун ҳар кун тинимсиз изланишда, меҳнат қилишимиз шарт.

“Инсон қадрини эъзозлаган давлат ҳеч қачон кам бўлмайди. Мен мана шу ёдгорликни томоша қилишга келган киши Ватан мустақиллиги учун курашган, жон фидо этган одам асло эл-юртнинг назаридан четда қолмаслигини, келгуси авлодлар уларни эсидан чиқармаслигини чин юракдан ҳис этишини истар эдим. Ана шундагина халқ ҳаётида фидойилик ва қаҳрамонлик анъаналари бардавом бўлади. Ана шундагина инсон қадри ва ҳаёти нақадар буюк бойлик экани яққол аён бўлади.

Мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида фидойиларча ҳалок бўлган қаҳрамонларимизни ўзи тугилиб ўсган маҳалласи, тумани билади, лекин бутун халқ билмайди-ку! Мана энди, Иккинчи жаҳон уруши даврида фашизмга қарши жанг қилган катта авлод вакиллари билан бирга, уларнинг номлари ҳам тарихимиз саҳифаларига абадий муҳрланди. Энди уларни бутун халқимиз, айниқса, ёшларимиз албатта билади. Ушбу бадий обидуада уларнинг номлари ва сиймолари акс эттирилгани — бу юксак эътироф ва эҳтиром. Бутун халқ, бутун миллатнинг эътирофи, эҳтиромидир.

Мустақиллик — бу Худойи таолонинг бизга чексиз марҳамати ва неъматидир. Ана шу буюк неъматни, буюк истиқлоллимизни кўз қорачигидек асраб-авайлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиз.

Шу йўлда эл-юртимизга муносиб хизмат қилишимиз лозим. Бу ҳақда қанча кўп гапирсак, халқимиз ҳозирги таҳликали замонда янада бирлашиб, янги-янги фидойи ва фаол қаҳрамонларни вояга етказсади.

Энг муҳими, жаҳон майдонида мағрур бош кўтариб, шонли тарихимизга муносиб халқ бўлиб яшаймиз. Бутун айнан шу ғояларни фаол тарғиб этишимиз зарур.

Азиз дўстлар! Бугунги тарихий воқеа — **“Миллат фидойилари”** ёдгорлигининг очилиши билан барчангизни чин қалбимдан самимий табриқлайман.

Мустақиллик йилларида азиз жонини аямасдан, бизнинг тинчлигимиз ва осойишталигимизни асраш йўлида қаҳрамонлик кўрсатган мард ва жасур фарзандларимизнинг муворақ хотираси олдида чин дилдан таъзим қиламан.

Такрор ва такрор айтишдан қарчамайман: биз бундай қаҳрамон ўғлонларимизни ҳеч қачон унутмаймиз. Улар доимо биз билан бирга яшайди.

Ватанимизга ҳар томонлама муносиб қаҳрамон ўғлонларимизга шон-шарафлар бўлсин!

Доимо соғ-омон бўлинглар, катта раҳмат сизларга!

*Тошкент шаҳри, Ғалаба боғи
2025 йил 8 май*

4

2025 йил 16 май, 99-сон

www.yuz.uz

f

yuz.uznews

Telegram

yuz_official

Instagram

yuz.uz_news

YouTube

yuz

Мулоҳаза

“АВТОМОБИЛСИЗ КҮН” НЕГА ОММАЛАШИБ КЕТМАЯПТИ?

2024 йилнинг март ойидан бошлаб ҳар ойнинг тўртинчи чоршанба кuni пойтахтимизда автомобиллар ҳаракатини (жамоат транспортлари, махсус ва шошилинч ёрдам хизматларидан ташқари) қисқартиришга қаратилган “Автомобилсиз кун” жамоатчилик лойиҳаси ўтказиб келинмоқда.

“Автомобилсиз кун” лойиҳасида вазиpлик ва идора-лар, ҳудудий ижро этувчи ҳоқимият органлари раҳбар ва масъул ходимлари иш жойига жамоат транспортда келиб, намуна кўрсатиб бориши белгиланган.

Бу лойиҳадан кўзланган асосий мақсад шаҳар муҳитини соғломлаштириш, атмосферага чиқарила-диган зарарли газлар миқдорини камайтириш, йўллар-даги тирбандликлар олдини олиш ҳамда фуқароларни пиеда юриш ва экологик тоза транспорт воситаларидан фойдаланишга ундашдир. Бироқ кўзланган мақсадлар-га қарамай, лойиҳа кутилганидек оммалашмаяпти. Хўш, бунинг асосий сабаблари нимада?

Жамоат транспорти инфрагузилмасида камчиликлар мавжуд

Ҳар кuni шахсий автомобилда ишга қатнайдиған киши учун жамоат транспортда ишга бориб келиш сезиларли мураккабликлар келтириб чиқаради. Сўнг-ги йилларда жамоат транспорти тизимини тақомил-лаштириш бўйича кўплаб ташаббуслар амалга оши-рилган бўлса-да, хусусан, автобуслар ҳаракатида ҳануз камчиликлар мавжуд.

Ўзим ҳар кuni пойтахтнинг Янгихаёт туманидан Яшнобод туманига ишга қатнайман. То ишхонага етиб келгунимча уч марта транспорт алмаштиришимга тўғри келади. Вақтга чаксақ, бунга тахминан бир со-тдан ошикроқ сарфлайман. Лекин баъзан эҳтиёж юза-сидан таксидан фойдаланганимда бу муддат ярим со-атдан кўпроққа қисқаради. Бу енгил автомобил тезроқ юришишга эмас, кўпроқ уч марта транспорт алмаштири-шишга сарфланадиган вақтга боғлиқ бўлади. Ҳисоблаб кўрсам, бир транспортдан тушиб кейингисини кути-шим, унга чиққунча ўртача 7-8 дақиқа сарфлайман. Демак, уйдан ишхонагача битта автобуста етиб кела олсам, муддат енгил автомобилдаги билан деярли бир хил бўлади. Бу эса ҳаличага автобус йўналишларининг пухта режаси ишлаб чиқилмаганига ишора беради.



ИМТИЁЗДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНАЁТГАН УСТА

Орамиздаги одамлар

Излаган имкон топар деганлари бор гап. Киши астойдил истаса, ҳар қандай ишни эплаши аниқ. Тилибжон илк бор устачиликка қўл урганида ҳали устоз кўрмаганди. Одатдаги кунларнинг бирида уйдаги эски телевизор яхши кўрсатмай қолди. У пайтлар уста топиш анча мушкул эди. Топилганда ҳам камида ҳафта-ўн кун деганда тузатиб бериши мумкин. Мактабнинг юқори синфига ўтган ёш йигит учун асосий овунчоқ шу телевизор. Бу бўлмаса кун анча зерикарли ўтиши аниқ.

Икки кун телевизорсиз анча зерикар-ли ўтди. Нима қилишни билмасди. Уйи-дагилар эрта кетиб, кеч келгани боис, уларга ойнаи жаҳоннинг қадри уччалик биллинмасди. Ўзи устага олиб бораёй деса, биринчи гуруҳ ногирони. Яхшиси, ўзи ту-затишга ҳаракат қилиб кўради. Ахир мак-табда физикани яхши ўқийди-ку. Таваккал қилиб қўлига айрим жиҳозларни олганча ишга киришди. Уша пайтдаги ўзига яраша катта экранли телевизорни бир амаллаб орқа тарафидан очиб, турли ҳажмдаги чи-роқларини бирма-бир олиб, қайта қўйиб чиқди. Симларини тортиб-тортиб қўйди. Шу ҳолича электр токига улаб кўрди. Чи-роқлардан бири ёнмади. Асосий сабаб шу чироқ эканини тахмин қилди. Уша чи-роқни олиб, укасига айнан шу чироқнинг

ишлайдиганини устaxonадан олиб кели-ши тайинлади. Кечга яқин излаб топилган чи-роқ Тилибжонга олиб келинди. У куйган чи-роқ ўрнига янгисини қўйиб, телевизорни тоққа улади. Бир оз ўтиб, экранда тасви-рлар пайдо бўлди. Бунн кўрган ёш йигит-нинг кўнгли тоғдек кўтарилди. Уйдагилар эса бундан ҳайратда эди. Улар бунн айнан Тилибжон тузатганига қойил қоларди. Бу эса унга янада гурур бахш этди. Шундан сўнг аста-секин радиотехникани тузатиш-ни яхшироқ ўргана бошладн.

Энди ёш уста бекор ўтirmайдиган бўлди. Қўни-қўшни, яқин атрофдагиларга ёрдами тегиши билан бирга даромад ҳам топарди. Ўзига мос иш тоғгани уни янада интилишга ундади. Кўпроқ соҳага оид адабиётлар то-пиб ўқийдиган, мутахассислар маслаҳатини

ЖАРАЁН

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ислохотлар амалда

“ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ”:

биринчи мавсумда Сурхондарёда 170 та таклиф голиб бўлган

Бир танишим кундалик харажатларини камайтириш мақсадида велосипед сотиб олгани, бироқ айниқса, шаҳарнинг чекка ҳудудларида ҳаракатланиш имкони-ятлари йўқлиғи боис, уни сотиб юборгани ҳақида ай-тиб берган эди.

Шунингдек, айрим пиедалар йўлаклари шу дара-жада тор қурилганки, пиеда ва велосипеддаги одам рўбарў келиб қолса, улардан бири йўлакдан паства ту-шиб, йўл беришига тўғри келади. Велосипед ва скутер-лар билан автомобиль йўларида ҳаракатланиш эса ҳар доим ҳам мумкин эмас. Бунда ҳаракатланиш кўчанинг тузилишидан келиб чиқиб белгиланади. Шу ўринда мутасаддилар шаҳар йўлларининг шу каби енгил ҳа-ракат воситаларига мослигини қайта кўриб чиқиши ҳамда камчиликларни бартараф этиши аини муддао бўлар эди.

Тарғиботсиз тартибот бўлмас

Тарғибот — қудратли восита. Унинг кучидан фой-даланиб, яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам омма онги-га сингдириш мумкин. Тарғиботнинг асосий босқичи муҳокамалар пайдо қилишдир. Ахир нима кўп муҳока-ма қилинса, у хотираларда шунча яхши қолади. Шу ту-файли тарғибот масалалари кўпинча таниқди шахслар зиммасига юкланади. Сабаби, бундай инсонларнинг ҳар қандай хатти-ҳаракати тез тилга тушади, уларга эргашувчилар ҳам кўп топилади.

“Олдимизга “Автомобилсиз кун” лойиҳасини ижтимоий одатга айлантириш мақсадини қўйган эканмиз, унинг тарғиботи ҳам шунга монанд бўлиши лозим. Зеро, “Автомобилсиз кун” жамоатчилик лойиҳасида ҳам, юқорида таъкидлаганимиздек, вазиpлик ва идоралар, ҳудудий ижро этувчи ҳоқимият органлари раҳбар ва масъул ходимлари иш жойига жамоат транспортда келиб, намуна кўрсатиб бориши белгиланган. Бироқ бу тартибга қанчалик амал қилиняпти? Умид қиламизки, лойиҳанинг дастлабки даврида ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларга орқали уни фаол тарғиб қила бошлаган эл назаридаги кишилар бу эзгу одатларини яна давом эттиради.

Тарғибот қилишнинг яна бир самарали усули — реклама қувватларидан оқилона фойдаланиш. Эътибор қилганмиз, ҳар кuni қатнайдиған йўлимиздаги кат-та баннерга қайсидир санъаткорнинг концерт дастури ҳақида эълон бўлади. Биз уни ҳар кuni кўраверганим-миздан беихтиёр концерт ўтказиладиган сана ёд бўлиб кетади. Лекин нега одам гавжум кўчаларда “Ҳар ой-нинг охириги чоршанбаси — “Автомобилсиз кун” маз-мундаги эълонга кўзимиз тушмайди? Модомики, шу каби баннерлар шаҳарнинг гавжум ерларига ўрнатил-са, минглаб юртодошларимизга унинг муддати ёд бўлиб кетган бўлармиди?!

Мутасаддилар ташаббус кўрсатса — аини муддао

“Автомобилсиз кун” борасида жаҳон тажрибасини ўрганар эканман, айрим давлатларда айнан шу кuni ЙПХ ходимлари томонидан ақсарият кўчалар ёпи-либ, пиедалар, велосипед ва скутерларда ҳаракатла-нувчиларга мослаштириш амалиёти борлигига гувоҳ бўлдим. Бундан кўзланган асосий мақсад шаҳарда автомобилсиз ҳам қулай ҳаракатланиш мумкинлигини аҳолига ҳис қилдириш ҳисобланаркан. Биздаги масъул идоралар ҳам бу ҳақида ўйлаб кўришса, нур устига нур бўлар эди.

Дарҳақиқат, “Автомобилсиз кун” — жаҳон тажри-басида азалдан бор бўлган ҳамда ўзини оқлаган ижти-моий лойиҳадир. Мутахассислар ана шу бир кунда атмосферага қанчалик фойда бўлишини ҳам ҳисоблаб чиққан. Мамлакатимизда бу лойиҳа нисбатан ёш, аммо унинг оммалашуши сизу бизга, бутун жамиятга кони қойди. Шундай экан, нафсиз лойиҳалар сирасига ки-риб, унутилмасидан аввал уни ижтимоий одатимизга айлантириб олайлик. Бундан ҳам ўзимиз, ҳам келажақ авлод миннатдор бўлишига шубҳа йўқ.

Жонибек АЛИЖОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

OpenBudget

Ўзбекистон Республикаси

“Ochiq Budget” Portali

Хусусан, Сурхондарё вилояти Олтинсой туманида жорий йил “Ташаббусли бюджет”нинг биринчи мавсуми доирасида жами 10 та таклиф голибликни қўлга киpитган, бунинг самарасида йўл, электр тармоқлари тортиш ва ичимлик сув таъминотини яхши-лаш борисида сезиларли ишлар бажарилиди.

Тумандаги Қорлиқ маҳалласида “Ташаббус-ли бюджет” лойиҳаси доирасида кўп йиллардан буюн ўз ечимини кутиб турган муаммолар ижобий ҳал этил-ди.

Маҳалла аҳлининг ҳамжиҳатлиги натижасида 2023-2025 йилларда йўл, сув, электр энергияси, ижтимоий соҳа обьектларини қуриш каби йўналишлар бўйича жами 6 та лойиҳа учун 7 миллиард 700 миллион сўм-дан зиёд маблағ йўналтирилган. Мазкур сармоянинг 1 миллиард 200 миллион сўми ҳудуддаги 64-умумтаъ-лим мактабини реконструкция қилиш, керакли жиҳоз-лар билан таъминлаш учун ишлатилган.

— “Ташаббусли бюджет” аҳолининг бирлиги дегани. Бир ёқадан бош чиқариб, мавжуд муаммолар ечимни бўйича давлатга ташаббус бериш ва кўмаклашиш дегани, — дейди мактаб директори Шерзод Худойқўлов. — Мактабимиз ўтган асрда қурилган. Ташаббусимиз ортидан таълим муассасасига маблағ йўналтирилиб, замонавий кўриниш олди.

Қорлиқ маҳалласида бир вақтлар қишда лой, ёзда чанг бўлиб ётадиган 23,8 километр ички йўл бутун тў-лиқ асфальт қилинди.

— Ҳақиқатан, маҳалла ободлиги — юрт ободлиги деган қараш бутун ҳаётимизга чуқур сингиб борипти. “Ташаббусли бюджет” туфайли энг чекка манзиллар, жумладан, маҳалламиз ҳам ободлик сари уз тутмоқда, — дейди “Қорлиқ” МФЙ раиси Шавкат Зокиров. — “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси аҳолини бир мақсад йўлида биpлаштириб, бамаслаҳат иш қилишга унда-моқда.

Лойиҳа кўмаги билан Қорлиқ маҳалласидаги 56-он-лавий поликлиника филиали ҳам қайтадан қурилиб, илгари бўлмаган тиббий жиҳозлар билан таъминлан-ди.

— Авваллари паст-қамгина бир хонали би-нода тиббиёт ходимлари ҳаминқадар шароитда ишларди. Беморларнинг муаммоларига ечим топол-маслигимиздан кўнглимиз огридри. Ҳозирги шароит шаҳарлардаги поликлиникалар-дан қолшмайди. Замонавий бино ва тиббий жиҳозлар ишмизни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга са-бабчи бўляпти. Шароит эса бизни янада фидойилик билан ишлашга ундайди, — дейди шифокор Жаҳонгир Меликулов.

Олтинсой тумани Хўжасоат маҳалласи ҳам “Обод хонадон — обод кўча — обод маҳалла” мезонлари асосида янгича қиёфа касб этди. 3360 дан ортиқ киши истиқомат қилувчи мазкур маҳаллада қисқа вақт ичи-да 270 миллион сўм эвазига янги маҳалла биноси қад ростлади.

Ҳудуддаги 2,2 километр кўчага шағал ётқизилди, аҳолини узуксиз ичимлик сув билан таъминлаш мақ-садида 320 метр қувур тортилди.

Туманда амалга оширилаётган қурилиш-бунёдкорлик ишлари Мармин маҳалласини ҳам четлаб ўтмади. Ҳозир маҳалладаги 56-оилавий поликлиника биноси тубдан қайта таъмирланмоқда. Бу шифо маскани ишга тушуши билан қарийб 20 минг аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати яхшиланади. Бундан ташқари, аҳоли учун қулай инфратузилма яратиш мақсадида маҳаллада 2200 метр ичимлик сув тармоғи янгидан тортилиб, 2,5 кило-метр ички кўчаларга асфальт ётқизилди.

Маълумотларга кўра, 2025 йилда “Ташаббусли бюд-жет”нинг биринчи мавсуми доирасида Сурхондарё вилоятида жами 170 та таклиф голибликни қўлга ки-рипган. Умумтаълим мактабларини таъмирлаш учун 36 та лойиҳа, тиббиёт муассасалари таъмири ва жиҳозлар хариди учун 29 та, ички йўлларни асфальтлаш бўйича 72 та, ичимлик сув таъминотини яхшилашга қаратилган 3 та ва бошқа соҳалар бўйича 30 та лойиҳа молиялашти-рилган.

Сарвар ТўРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бугун ногиронлиги бўлган уч кишининг бандлиги таъминланган бўлса, кейинчалик ўн кишига етказмоқчимиз. Қанча меҳнат қи-ламан десангиз, имкониятлар эшиғи шунча-лик кенг очилмоқда. Илгари ишхонага келиб кетишга қийналардим. “Инсон” ижтимоий хизматлар марказидан электрон юритмали ногиронлар аравасини совға қилишди. Бун-дан ташқари, модулли сон протези ва мурак-каб пойабзал ҳамда қўлтиқтаёқ беришгани яхши бўлди. Бу мен учун янада рағбат.

Тилибжон радио-электроника созлаш йўналишида фаолиятини кенгайтириш мақ-садида яқинда “Қарши ҳамкор инвентор” оилавий корхонасига асос солди. Бунинг на-тижасида 8 кишининг бандлиги таъминлан-ди. Шу пайтга қадар бирор корхона эшигини таққиллаб, ёрдам сўраб бормаган уста ўз меҳнати билан рўзгорини тебратишини яхши кўради. Хўнари ортидан яхши даромад то-пиб, фарзандларини вояга етказмоқда. Айни пайтда тўнғич фарзанди тиббиёт йўнали-шидаги олий таълим муассасасида тахсил олмоқда. Иккинчиси Президент мактабида ўқини давом эттирмоқда. Қувончлиси, 2022 йилда Т.Ибодов “Жасорат” медали би-лан тақдирланган. Бу юксак мукофот уни янги гоълар сари етакламоқда.

Яна бир гап. Тилибжон берилган имти-ёзлардан фойдаланиб, ҳозир Қарши давлат техника университетига давлат гранти асо-сида таълим олмоқда. Олий ўқув юртида тахсил олиши соҳадаги билими янада оши-шига сабаб бўлди. Хусусан, аини пайтда қуёш панеллари ускуналарини таъмирлаш-ни ҳам йўлга қўйди. Бу эса тармоғини янада кенгайтириб, қўшимча иш ўринлари очиш имконини беради.

Ақбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Халқаро фестивалъ



“Марказ 365 мингга яқин китоб фондига эга бўлиб, бир вақтнинг ўзида 300 дан зиёд ўқувчига хизмат кўрсата олади. Энг нодир китоблар алоҳида талаблар асосида сақланиши ва мутлолаа қилиниши учун ҳам имконият етарли. Шунингдек, хорижий тилларда чоп этилган адабиётларни ўқиш учун алоҳида 60 ўринли зал, она ва бола хонаси мавжуд.

ДУНЁ КИТОБХОНЛАРИ ФАРҒОНАДА ЖАМЛАНДИ

Бошланиши 1-бетда

Инсон ҳаёти, бугуни ва эртаси кўп жиҳатдан моддий таъминотга боғлиқ. Китоб эса маънавий мулк маҳсули сифатида қадрланади. Узоққа бормайлик, бундан 15-20 йил аввал қорин тўйдириш, тирикчилик учун елиб-югуриш биринчи масалага айланиб қолганди. Халқимизда “Бўш қоптик турмайди” деган нақл бор. Бу — ҳаёт ҳақиқати. Ишдан, бозордан уйга қайтган ота-оналаримиз дилбандларига егулик олиб келиш, дастурхон ташвиши билан овора бўлиб қолганди. Чунки уларнинг топган-тутгани ана шу моддий неъматлар-гагина етган, холос. Уша кезлари маънавий таъминотдан кўра, моддий таъминот, яъни қорин тўйдириш ташвиши бирламчи масалага айланиб қолганди...

Бугун бу борадаги иш, тизим, қарашлар, фикрлар ўзгариб. Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий барқарорлиги йўлидаги ҳаётбахш ислохотлар аҳолини иш билан таъминлаш, фаровонлигини ошириш, бозорларимиз, дастурхонларимиз, омбулларимиз тўқинлигини таъминлаш имкониятини бериб. Бугун ишдан уйга қайтган ота-оналар фарзанд ва набираларининг тафаккурини, дунёқарашини бойитиш, билимни, хунарли қилиб камолга етказиш ҳаракатида.

Бу масалада китобдан яхши ишончли манба, дўст йўқ, албатта. Жойларда китобхонликини оммалаштириш, китобхон ёшларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш учун турли кўрик-танлов, адабий-бадий кеча, ёзувчи-шоирлар, ноширлар билан учрашувлар уюштиришга эътибор ошди. Шу кунга

қадар китобхонлик йўналишида ўтказилган нуфузли кўрик-танловларда фарғоналик 3 ёш энг яхши китобхонлар сафидан жой олгани ҳам китоб ва китобхонликка муносабатни кўрсатиб турибди.

Шу мавзуда сўз кетганда, кўплаб ҳамюртларимиз ташаббуси билан маҳалла, хонадонларда мўъжаз кутубхоналар фаолияти йўлга қўйилган, китобнинг ҳаётбахш, эзгуликка хизмат қилувчи нури ҳар бир оилга кириб бораётганини таъкидлаш жоиз. Айни пайтда Фарғона вилоятида 13 та оилавий кутубхона фаолият юритяпти. Бу оддий рақам бўлиб қўйиниши мумкин. Аммо унинг ортида қанчадан қанча меҳнат ва изланиш, ташаббускорлик, фидойилик мужассамлигини илгаш қийин эмас. Келиннинг сеп-сарпосига китоб ҳам қўшаётган китобсевар қўда-андалар кундан кун кўпайиб бораётгани ҳам бор гап.

Риштон туманидаги “Носгар” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фахрий мўалим Хусанбой Эргашев ўз хонадонида кутубхона очганига кўп бўлгани йўқ. Оддий, файзли кутубхонага китоб мутлолаа қилиш истигади келаётган ёшлар кўп. Бу ерда 12 мингдан ортиқ нодир ва ноёб китоблар, газет ва журналлар тўплами жамланган.

Ёшлигинида китоб билан ошно бўлган, сўзга чечан устоз ҳар бир гап, мулоқотида “жон-жон” иборасини қўшиб ишлатгани боис, эл орасида “Жон-жон домла” деган таъриф билан машҳур бўлган. Устознинг бу борадаги изланишлари бесамар кетгани йўқ, албатта.

— Инсонга китобдан яхши дўст, суянчиқ, дилкаш йўқ, — дейди бу йил 85 баҳорни



Мусми Тўлқанов оқсан суратлар.

қарши олган Хусанбой ота. — Ижтимоий тармоқ, телефон ёшларга мукамал билим бера олмайд. Шу боис, йигит-қизлар қалбида китобга меҳр уйғотиш, китобхонлик маданиятини юксалтириб боришни асосий мақсад қилиб олганман. Маҳалладаги ҳар бир оила, ўғил-қиз кутубхонамизга аъзо бўлган. Бу ерда ҳар ойда бир ёки икки маротаба маънавий-маърифий тадбир, учрашувлар ўтказиш аънамага айланган. Ёшларни китобхонлик билан бирга, хунар ўрганиш, меҳнат қилишга ундаймиз.

Эргаш ота Сангинов номидаги оилавий кутубхона жавонидан ўрин олган ноёб тарихий асарлар, жаҳон ва ўзбек адабиёти дурдоналари, ўқув-услубий қўлланмалардан фойдаланиш учун ўзига хос шарт-шароит яратилган. Кутубхона ҳузурида Риштон тумани тарихи ҳақида маълумот беришчи кичик музей ҳам ташкил этилган. Унда риштонлик, хусусан, маҳалладан етишиб чиққан машҳур кулолларнинг ноёб саноат асарлари жой олган.

— Маҳалламиздаги 100 дан ортиқ йигит-қизнинг нуфузли олий таълим муассасаларида ўқиётганида бу қутлуғ масканининг ўзига хос ҳиссаси бор, — дейди “Носгар” МФЙдаги ёшлар етакчиси Уйғун Абдухамидов. — Улар мактабдан бўш вақтларида мана шу кутубхонада билимини мустаҳкамлаб, билмаганларини ўрганади. Бу ўринда устоз Хусанбой Эргашевнинг хизмати алоҳида эътиборга молик. Чунки бу кутубхона маҳалла ёшлари учун ҳаммаша очик, Кейинги 3 йилда маҳалла ёшлари ўртасида бирорта ҳам ҳуқуқбузарлик ёки жиноятчилик билан боғлиқ салбий ҳолат қайд этилмади. Ҳозир маҳалламиз “яшил ҳудуд” тоифасига киритилган.

Сўзимизни бежиз кутубхона, китоб мутлоаси ва китобхонлик маданияти билан бошламадик. Фарғона вилоятида “Халқаро китобхонлик фестивали” ҳамда “Central Asia — 2025: фан, таълим, маданият ва бизнесда интернет ва ахборот-кутубхона ресурслари” мавзусида XVIII халқаро конференция бўлиб ўтмоқда. Мазкур халқаро тадбир Марказий Осиё мамлакатлари илмий-техникавий ва ахборот йўналишларидаги инновацияларни муҳокама қилиш, таълим ва маданият соҳаларидаги ахборот ресурсларини кенгайтириш, Ўзбекистоннинг халқаро илмий ҳамжамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида илмий-техникавий ҳамкорлиқни ривожлантиришни мақсад қилган.

Бундай нуфузли тадбирни ўтказишга Фарғона вилояти танлаб олингани бежиз эмас. Азалдан китобсевар, адабиёт ихлосмандлари, истеъдодли ижодкорлар юрти бўлиб келган кўҳна масканда жорий йил “Китобхонлик йили” деб эълон қилинди. Ўтган қисқа муддатда бу йўналишда кўплаб янги лойиҳалар, ташаббуслар амалга оширилди. Хусусан, Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази билан ҳамкорликда “Давлат хизматчиси кутубхонада бир кун” лойиҳаси доирасида шу кунгача турли ташкилот-муассасаларнинг 100 мингдан ортиқ ходимлари кутубхона аъзоллигига қабул қилинди. Туман ва шаҳарларда ўндан зиёд шахсий кутубхона очилди. Китобхонлик ва ахборот-кутубхона ривожини йўлидаги муносиб ҳиссаси ҳамда самарали хизматлари учун Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров

“Ахборот-кутубхона аълочиси” кўрак нишони билан тақдирланди.

— Вилоятимиз мезбонлик қилаётган халқаро анжуман ва китобхонлик фестивалига катта тайёргарлик қўрилди, — дейди Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази директори Хуснияхон Шерматова. — Марказимиз қарийб 14 миллиард сўм эъзига мукамал таъмирланиб, замонавий қўринишга келтирилди. Бу ерда китобхонлар учун барча қўлайлик мўҳайё этилган, жиҳозлар янгиланган. Китоб фонди янада бойитилиб, кутубхоначиликнинг сўнгги ютуқлари асосида аънаваный, виртуал ҳамда электрон кутубхона хизматлари кўрсатиш мумкин. Мутлолаа заллари, муҳокама ва компьютер хоналари, медиастудиялар, видео ҳамда тезкор Wi-Fi тармоқлари мавжуд. “Book safe”, 5 та ўқув зали, илмий тадқиқот, болалар ва ўсмирларга хизмат кўрсатиш, нодир фотосуратлар бўлимларида жаҳон андазалари даражасида шароит яратилган. Бундай қўлайликлар туфайли кейинги йилларда кутубхонамиз аъзолари сони қарийб тўрт баробар кўпайди.

Марказ 365 мингга яқин китоб фондига эга бўлиб, бир вақтнинг ўзида 300 дан зиёд ўқувчига хизмат кўрсата олади. Энг нодир китоблар алоҳида талаблар асосида сақланиш ва мутлолаа қилиниши учун ҳам имконият етарли. Шунингдек, хорижий тилларда чоп этилган адабиётларни ўқиш учун алоҳида 60 ўринли зал, она ва бола хонаси мавжуд.

Кенг қўламли эгзу ишлар нафақат мамлакатимиз шаҳар ва туманлари, балки халқаро майдонларда ҳам оммалашмоқда. Халқаро китобхонлик фестивали ва конференциясида

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Камолот пиллапочалари

Зилонанинг болалиги Сурхондарёнинг чекка қишлоқларидан бирида ўтди. Онаси ҳар ҳафта қишлоқ бозорига чиқиб, уй-рўзгор буюмлари сотар, отасининг даромади эса деҳқончиликдан эди. Оила аъзолари мавсумий ишларда ишлаб, баҳорда кўчат экиш, ёзда мева териш, кузда эса ҳосил йиғиш билан банд бўларди.

У ўзини катта аудиторияларда, китоблар қушовида тасаввур қиларди. Профессорларнинг дарслари, кенг кутубхоналар муҳити, университет ҳаёти — булар унинг хаёл-ларидан ҳеч кўтарилмасди. Лекин у билар эди: университетда ўқиш фақат истак билан эмас, имконият билан ҳам боғлиқ. Онаси билан дилдан суҳбатлашган пайтлари мақсадлари ҳақида гапирардию “Она, ўқишга кирсам, моддий томони нима бўлади?” деган саволни айтишга юраги бетламасди. Шундай бўлса-да, у ҳар кунни озулари томон интилавирди: дарсларда фаол қатнашар, бўш вақтларида бепул онлайн курсларга ёзилар, мустиқли равишда иншо ёзиб, кенг фикрлашга ҳаракат қиларди.

Бир кунни мактабда вилоятдаги олий таълим муассасалари вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Бу Зилола учун унутилмас кун бўлди. У давлат грантлари, ижтимоий эҳтиёжманд оилалар учун ажратилган қўшимча квота асосида ўқишга қабул қилинди. Бугун у педагогика йўналишида талаба.

Ундаги истеъдод ва салоҳиятни сезган устозлар Зилонанинг илм йўлида кетишидан умидвор. Кун келиб Зилола нафақат зиёли аёл, балки юртимиз илм-фанига ҳисса қўшадиган олимка, профессор бўлиб етишса, ажабмас. Ўйлаб қоламан, агар шу имкониятлар бўлмаганда, булар Зилонанинг тақдири бутунлай бошқача бўларди...

Инсоният тамаддунида ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга муносабат билан белгиланган. Мамлакатимиздаги бугунги ислохотлар замирида ҳам хотин-қизлар таълими ва жамиятдаги ўрнини юксалтиришга бўлган юксак эътибор мужассам, десам адашмайман. Президентимизнинг бу борадаги ташаббуслари нафақат рақамлар ва қарорлар даражасида, балки ҳар бир оиланинг, ҳар бир ёш қизнинг ҳаётида сезиладиган катта ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Қиз болани ўқитмас, бутун жамиятни ўқитган бўлмиз деган пурҳикмат сўзлар давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланмоқда.

Юртимизда хотин-қизларнинг илм-фан, таълим, касб-хунар, оилавий ва ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиши учун кенг имкониятлар яратилаётди. Улар билимдон, замонавий дунёқарашга эга мутахассис сифатида камол топиши, соғлом ва мустақкам оила қуриши учун зарур шарт-шароитлар таъминланмоқда. Бу ўзгаришлар қуруқ баёнот эмас, балки аниқ ҳуқуқий асос ва ҳаётий

ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАЪЛИМИГА ЭЪТИБОР ТАРАҚҚИЁТ МАШЪАЛИДИР



натижаларга таянган, дунёнинг кўплаб мамлакатларида учрамайдиган тажриба сифатида намён бўлаётди. Шахсан ўзим қайси мамлакатда биздаги каби олий таълимда ўқийётган хотин-қизларнинг шартнома тўловлари давлат томонидан тўлиқ қўллаб берилишига қизиқдим. Айнан юртимизда магистратурага тўлов-шартнома асосида қабул қилинган талаба қизларнинг таълим харажатлари давлат бюджетидан қўллаб беришмоқда. Бу эса иқтисодий сабаблар туфайли магистратурада ўқиш олмаган кўплаб қизлар учун жуда катта имкониятдир.

Хотин-қизларга таълим кредити бериш тартиби ҳам тубдан такомиллашди. Бугун улар 7 йил муддатга фойсиз кредит олиш имкониятига эга бўлиб, бу кредитни фақат ўқиниш тугатгач ва ўзларига мустақкам иқтисодий асос топгач тўлашади. Ушбу ислохот нафақат молиявий енгиллик яратади, балки хотин-қизларни илм олишга янада илҳомлантиради. Бу ёндашув, албатта, ёш авлодга ўз таълимини яқунлаб, жамиятга фойдали мутахассис сифатида қайтиб келишга ишончли оширади. Бундай тизимнинг ҳаётга татбиқи жамиятда гендер тенгликни

янада мустаҳкамлашга, хотин-қизларга ўзини ривожлантириши йўлида янада кўпроқ имкониятлар яратишга хизмат қилади.

Илм-фан сари дадил қадам қўяётган аёллар учун яна бир имконият докторантурага ажратилган мақсадли квоталар бўлди. Ҳар йили юзлаб иқтидорли хотин-қизларга илмий тадқиқот олиб бориш учун махсус квоталар ажратилиши, уларнинг чет элда стажировка ўташига йўл очилиши халқаро миқёсда тенги йўқ тажрибадир. Сўнгги етти йилда 5247 аёл илмий даражалар олган. “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида таълим олган ёшларнинг 47 фоизини қизлар ташкил этган.

Илм-фан ва таълим, хусусан, олий таълим соҳаси ислох этилиб, жаҳон стандартларига мослаштирилётгани сабабли хотин-қизлар бу йўналишда ҳам катта натижаларга эришмоқда. Ҳозирги кунда илм-фан соҳасида жами 5 мингга яқин оlima аёл фаолият кўрсатмоқда. Авваллари бу кўрсаткич анчайин паст эди. Олийгоҳларда 14 мингдан зиёд опа-сингилмиз педагогика ва илмий тадқиқот йўналишида иш олиб бораётгани уларнинг интеллектуал салоҳияти нақадар баянлигидан далолат беради. Шахсан ўзим ҳам шу имкониятлардан фойдаланган ҳолда илмий тадқиқот ишимни муваффақиятли ҳимоя қилдим. Турли сўнғий тўсиқлар

бартаф этилганидан сўнг юртимизда оlima аёллар сафи кенгайгани ва улар қаторида менинг ҳам борлигим чексиз фахридир.

Ҳар бир аёлнинг ўқишга, илм олишга, орзусига интилишга ҳаққи бор. Давлатимиз бу ҳаётий ҳақиқатни сиёсий принцип даражасига кўтарди. Статистик маълумотларга кўра, сўнгги йилларда олий таълимда хотин-қизлар улуши 52 фоиздан ошган. Аммо энг муҳим кўрсаткич ҳар бир рақам ортида турган шахс тақдири, орзу ва фидоюкорлиқдир. Таълим орқали аёллар жамиятнинг фаол қатламига айланди. Уларнинг овози эшитилмоқда, фикри инобатга олинмоқда. Ўзбек аёли энди фақат оиланинг эмас, балки жамиятнинг, давлатнинг барқарорлиги учун масъуляти, билимни, фаол кучга айланмоқда. Таълим орқали очилган эшиклар тараққиёт йўлида ёндирилган машъалдир. Бу каби мисолларни узоқ давом эттириш мумкин. Муҳими, бундай эгзу ишлар орқали қанча-қанча хонадонларда қувонч ва шодлик кирмоқда, минглаб аёлларнинг руҳи кўтарилиб, эртанги кунга ишончи мустаҳкамланмоқда.

Билимни, маърифатли аёл нафақат оила, балки жамият тараққиётини олга бошловчи куч. Бугун юртимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, илм-маърифатли қилиш, замонавий хунарларни ўргатиш, бандлигини таъминлаш борасидаги ислохотлар замирида ҳам шу ҳақиқат ифодаси етибди, десам муболага бўлмайд.

Масъума ОБИДЖОНОВА,
филология фанлари бўйича
фалсафа доктори



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



17 май - Халима Худойбердиева таваллуд топган кун

СЎЗЛАРИ СЎЗ ЭМАС,
бир кафит чўч эдиФароғат ХУДОЙҚУЛОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси, шоира“Тор қафасни
синдирганман”

Ўзбек миллий адабиёти юксалишига муносиб ҳисса қўшган буюк истеъдод соҳибаси, жамоат арбоби, Ўзбекистон халқ шоири Халима Худойбердиева миллатпарвар ижодкор эди. У миллий ўзлик тушуначасини асраш йўлида юртдошларимиз қалбига ижтимоий янгилашни нафасини олиб кирди. Шоиранинг сўзлари сўз эмас, бир кафит чўч эди. Чўғни ярим асрдан кўп муддат ушлаб туриш — жасорат.

Халима опа халқимиз юрагиндан жой олган муштаҳкам иродали, кучли, жасоратли миллат фидойилари — Нодирабегим, Увайсий, Зебуниссо, Зулфияхоним, Саида Зуннунова каби кўплаб шоирлар сафида туриб, ўзига хос янги ижодий тамойиллар билан кўз ўнгимизда Турон оналарининг доворак ва донишманд сийрати ҳамда суратини гавдалантирди. Ватани, юртдошлари, фарзандлари, шогирдлари, қадрдон, сеvimли инсонлари ва мухлислари қалбига баъзан ойдек ботиб, баъзан офтобдек чарқлаб яшаб ўтди. Қалбимизда, тафаккуримизда абдий кўнм топди.

Тор қафаси синдирганман,
Кўкда кўксим тиланман.
Мен жойимдан кўзаламан,
Эрдай кўтарилман.

Турон оналарининг шахду шиддати бошқача бўлиши мумкин эмас. Шоира ёзган ҳақиқатлари ўқимокнинг ўзи ҳақиқатни ҳис қилмоқ эди. Ўқиганларининг ҳис қилмоқ эса кўп нарсани ойдинлаштиради. Тор қафасни синдирмоқ, кўксини тилиб бўлса ҳам кўкка учмоқ, илло томирларида миллатнинг иссиқ ва тоза қонини совитмай, ҳазрати сўзининг юраги билан боғламоқ — асл шоирларнинг қисмати. Ватан, миллат истиқболи йўлида уйғоқ яшаган руҳнинг юксалиши худди мана шундай кечади, назаримда.

Халима опа билан ақиндан танишиб, суҳбатлашган дамларимдаёқ ҳар саатрида элдошларининг гафлат исканжасига тушиб қолишдан изтироб чеккан, оромини йўқотган, лаҳзалар маҳзанида асрий дардларни кўтарган, ёлмасдан яшолмайдиган шоира ҳаётининг, ижодининг мазмун-моҳияти уйғоқлик эканини англаганман.

Ишонч ва меҳр

Талабалик йилларимда журналистика факультети декани, таниқли журналист устозимиз Сайди Умиров алоҳида эътибор билан Абдулла Орипов, Халима Худойбердиева, Мухаммад Юсуф ва халқимизнинг бошқа сеvimли шоирлари билан мени учраштириб, таништириб қўйди. Чунки Сайди ака шогирдлари катта шоирлардан доим маслаҳат, сабоқ олиб туришнинг хоҳларди. Уша пайтда Халима опа “Саодат” журналида ишларди. Шу-шу опанинг ижодий учрашувларида, кейинчалик “Санам” журналида ишлаган вақтида ёнига бориб суҳбатлар қурдим.

2000 йилда Халима опанинг “Сайланма” шеърлар тўплами ва 2006 йилда “Йўлда-дирман” номли китоби “ШАРҚ” нашриётида 5000 нусхада чоп этилди. Бу китобларнинг ҳар биридан 2 донадан сотиб олиб, биттасини Навбаҳор исмли қадрдон опамга совға қилдим.

Навбаҳор опага “Халима опа билан сизни таништирмаман” деб юрардим. Бир куни опа билан шоирани кўргани уйига бордик. Эрталаб соат 9:30 лар эди. Катталар ишга, неваралар боғчага кетган бўлса керак, уйда Халима опанинг ўзи экан. Анча пайт суҳбатлашиб

ўтирдик. Китобларимизга дастхат ёздириб олдик. Мана, “Буюк қушлар” китобига ёзган дил изҳори:

Севимли Фароғатбегим!

Шеърятнинг ҳақиқий фанати, маликасини “Буюк қушлар” ҳамиша қуриаб, ёруллка, баландликка кўтарсин! Сизнинг руҳиятингизни яхши кўрдим!”.

Эҳтиром билан,
Ўзбекистон халқ шоири Халима Худойбердиева.

Ҳар гапида Ясавий, Румий, Навоий, Бобур, Бобораҳим Машраб, Нодирабегим, Увайсий каби улугларимиздан ҳикматлар келтирадиган Халима опа ҳар бир китобига ўлғунингча эсингдан чиқмайдиган изҳор ёзар эди. Уларнинг ҳар бири ижодимизга, ҳаётимизга берилган янги оқ йўл бўларди.

Шундай қушларда мен ҳам янги китобимни чиқариш тарадудиди юрганимни айтдим ва бир оғиз сўз ёзиб беришини сўрадим. “Албатта, ёзиб бераман. “Оқ хатлар”, “Ошиқ бўлган қуларнинг” шеърларингизни тез-тез юракдан ўтказиб тураман. “Қўшилсам майлими, қарвонингизга?” шеърингиз эса бу алоҳида суҳбат мен учун”, деди. Бу ишонч ва меҳр мен учун жуда юксак, қутилмаган эътироф бўлган.

“Қўшилсам майлими,
қарвонингизга?..”

2007 йил апрелида Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиёвнинг “Саодат” журналидаги хонасига бир кучоқ атиргул кўтариб кириб бордим.

Ушанда Ойдин опа Халима опа ҳақида гўзал таърифлар келтириб, “Журналнинг май ойи сонидида чоп этишга Халимаопанинг шеърларини тайёрлаётимиз”, деди.

— Халима опанинг 60 ёшига қутилмаган совға қилиясизларми? — деб сўрадим.

“Халима опага меҳрини Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиёва ҳам ўзига хос тарзда “Бағишлов” шеърда изҳор қилган. Афсуски, бу шеърни опанинг ўзи ўқимаган. Бу шеърни такрор-такрор ўқир эканман, шоиранинг изларида ҳақиқатан “Эрк гуллари қулф ураётгани”га, “Иймонда эрк-шонлар ҳамон уйғоқ” эканига ишонч ҳосил қиламан. Момоларимиздан мерос чанқовуз ноласки каби кўксимда симиллаган бу сатрлар бетиним ураётган юрагимга таскин беради, фаҳрга тўлдиради.

— Албатта, олтиш — қутлуг ёш. Халимадек катта шоирлар 60 ёшда катта шеърят қарвонининг эгаси бўлади, — деди ишонч билан Ойдин опа.

Халима опага бағишлаб таъриқ шеър ёзишим керак деб ҳаёлимдан ўтказиб турган пайтимда Ойдин опанинг бу сўзлари менга илҳом берди. Ялт этиб миямга нур берган сатрлардан бир лаҳзада бағишлов шеър дунёга келди:

Йиллар шаҳдингизга соломасин сук,
Тезиб ўтмалсин кўксингизга ўқ,
Юрагимдан бошқа оғир юким йўқ,
Қўшилсам майлими, қарвонингизга?

Пойингизда тождор оқ каптар бўлиб,
Захирада турган алп аскар бўлиб,
Оқсаройдан келган хушбаҳар бўлиб,
Қўшилсам майлими, қарвонингизга?

Баҳорингиз келмиш барку қут билан,
Бағрингиз бут бўлсин, бағри бут билан,
Сиз каби ўчирсам ўтти ўт билан,
Қўшилсам майлими, қарвонингизга?

Юрагимдан бошқа оғир юким йўқ,
Қўшилсам майлими, қарвонингизга?..

Ойдин опанинг таърифлари таъсирида тутилган бу шеърни Халима опага ўқиб берганимда фариштадек гулгун чехраси ёришгани ҳеч қачон кўз олдимдан кетмайдди. Устоз хонадонидида гўзал давраларнинг



бирида ёнида ўтирган таниқли журналист Дилбар Маҳмудовага қараб: “Дилбар опа, келингизлар, шу қизалоқни қўшаёлиг-а қарвонингизга”, дея лутф қилгани фақат менга эмас, балки бутун ўзбек шеърятига ўз овози, қалами бўлган шоира опа-сингилларимга ҳам берилган беминнат меҳр эди. Қалдирғочларини шеър ўқисин деб шоира қизларни бирин-кетин даврага чорлаб шеър ўқитарди. Устознинг хонадонидида гўзал ва бетакрор мушоира кечаси бошланиб кетарди.

газеталарда чоп этилганда, китобларим чиққанда кўнғироқ қилиб, самимий таъриқлар, оташин тилақлар билдирар эди. Бундан жуда тўлқиланиб, бошим осмонга етарди. Тез-тез дийдорлашиб турсак-да, телефон орқали суҳбатимиздан кейин умидимнинг боғлари қайта гуллаб кетарди. Оташин юракдан чакин каби қақнаб тутилган, гулдуракдек садо берадиган шеърларининг ошғи эдим. Баъзан шеърларини ўзига ҳам ўқиб берардим. Чунки уша шеърнинг сеҳрига, кайфиятига тушиб қолардим.

Бир кун кўнғироқ қилсам, устоз доволанаётганини айтиб қолди. Даров Назира Ас-Саломга боғландим. Чунки инкаламиз шу кунни шоиранинг уйига боришим режалаштириб тургандик. Назира опа билан шифохонага йўл олдик. Устоз суҳбатимиз орасида “Хали биргалашиб бир жойларда ўтирамиз, кўнғилини яйратиб бир гаплашамиз, энг ширин суҳбатларимиз олдинда, қизалоқлар”, деб бизни виқор билан кузатди. Бетоблигини умуман сездирмади. Оламдан ўтганидан кейин бирга тушган суратларимизга боқиб, шеърларини қайта-қайта ўқиб, соғинчимни босаман.

“Овозингнинг бир сифати
туғёндир”

Халима опага меҳрини Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиёва ҳам ўзига хос тарзда “Бағишлов” шеърда изҳор қилган. Афсуски, бу шеърни опанинг ўзи ўқимаган. Бу шеърни такрор-такрор ўқир эканман, шоиранинг изларида ҳақиқатан “Эрк гуллари қулф ураётгани”га, “Иймонда эрк-шонлар ҳамон уйғоқ” эканига ишонч ҳосил қиламан. Момоларимиздан мерос чанқовуз ноласи каби кўксимда симиллаган бу сатрлар бетиним ураётган юрагимга таскин беради, фаҳрга тўлдиради.

Қалдирғочлар ин қуради сўзингда,
Шўх оҳулар юғуради бўзунда,
Эрк гуллари қулф уради изингда,
Ҳайратданми қорилгандир зуволане!

Овозингнинг бир сифати туғёндир,
Бир нисбати армон, ўтли исёндир,
Бир чашма, бири талба бўрондир,
Қудратданми қорилгандир зуволане!

Сукунтингда ухлаб ётар вулқонлар,
Иймонингда уйғоқ ётар эрк-шонлар,
Қамонингда ўқ бўлади сўз-донлар,
Журъатданми асли сенинг зуволане!

Не бахтки Ойдин опа ҳам зуваласи хайратдан қорилган Турон оналари тинимсиз бўлган Халима опанинг сўз-донлари — миллатимизнинг жон томирларида забардаст, улкан дарахт

бўлиб илдиз отиб, қудратдан, журъатдан бунёд бўлажак келажакни қуйлаган, қуйлаётган эрқушони билан миллат ифтихориға айланганини юрагиндан фахрланиб ёзган эди.

Олий мақсадларимизга
элтувчи олтин кўприк

Ўзбек, қирғиз, қироним бирлашмаса тил топиб,
Турқуларим қайта ўткирлашмаса тил топиб,
Бугун тўс-тўс Туроним бирлашмаса тил топиб,
Гумроҳ торган қавм ичра гумроҳ бўлиб ўтаман.

Тил топишиш. Яхши билан яхши, ўқиски ила ўқиски тил топишади. Улуғлар улғурларнинг, ўғри ўғрининг тилини тез тушунади. Бу масала аниқ. Лекин кези келганда бир миллат оидинларининг, бир қавм фарзандларининг аҳил-иноқ бўлиб тил топишишини, бир-бирини тушуниб, асраб-авайлашини, бирлашиб ватан хизматига шай туришини улуг шоирамиз оруз қиларди. Шу дардининг ҳасратидида қоғоз қоралаб, туилар чўчиб уйғонганида тутдек тўкилган.

Баъзан ярим тунлар сачраб, уйғониб,
Ўзимча сен учун қидираман йўл.

Ҳа, устоз доим инсонийликка олиб берадиган йўлни қидиради. Шеър билан, сўз билан, меҳр ва садоқат билан йўл қидиради. Қани энди бу йўлга тушиб осон бўлса. Бу йўлда муштаҳкам этиқод, сабот кераклиги юракни қийнайди яна. Қийноқлар тугамайди. Давом этаверади, давом этаверади. Бу йўлда Бобур, Қодирий, Чўлпон, Усмон учун кўз ёш тўқади. Узга юртларда, уруш майдонларида жасади қолиб кетган ўзбек ўғлонлари хотирасига мотам тутати, тирик қайтганларининг кетмиш шуурига чиқоқ бек, овунч бўлади. Қадрсиз яшашда бош ертган аёлларини, опа-сингилларини ҳаётга қайтарди, чинакам инсон бўлиб яшаб қолишга умид уйғотди. Авёсиз танқидий қарашларини, муносабатларини шеърга солади. Янширмайди, қўрқмайди. “Авиёлар ўсаётган эл”, деб ўз элини ардоқлайди, шарафлайди. Барчасининг улдасидан чиқишга куч топа билади. Туғёли мисралар тинимсиз тилида, кўнглида нидога, видога, даъвату ҳайқиринққа айланади. “Хар гўдакда бир Турон, тошқинлар келаетир”, “Менинг титраган қўлим хатолар ёқасида”, дея бизни яхшиликларга баълошидан, яхшиликларга ҳасад қилувчилар,

пасту пастқамларда халқни таловчилар, китобдан, маърифатдан йироқ, гафлатда ўтаётганлар орамизда борлигидан огоҳлантиради.

Бутун Гулистон шаҳрида очилган Халима Худойбердиева номидида ижод мактаби қанчадан қанча ижодкор ёшларни бағрига олган. Уларни олий тоифали устозлар тарбияламоқда, ўқитмоқда. Ёшлар устоз шеърларини ёдлаб, ижодини ўрганмоқда.

Келажакда бу мактабларда Халима опанинг халқимиз дунёқарашини юксалишида катта хизмат қилган, улуг орзуларга йўл очиб берувчи, олий мақсадларимизга элтидиган олтин кўприк бўлгучи буюк шеърятни, маънавий мероси янада кўпроқ ўрганилади, тадқиқ этилади.

“Унинг юраги мудом ҳақ ва
ҳақиқат билан уйғунликда
урарди”

Халима Худойбердиева таваллудининг 75 йиллиги арафасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан чоп этишга тавсия қилинган “Сайланма” шеърлар тўпламини тайёрладим. Адабиётшунос олим, устоз Қозоқбой Йўлдошев китобга сўзбоши ёзиб берди.

Сўзбошида мана бундай таъриф келтирилган: “Халима Худойбердиева — ўзбек шеърятига қасриғали туйғулар, руҳий пўртаналарнинг бетакрор тасвири олиб кирган шоир. У битганларида ҳамиша чин кўнгли ҳолатларини тасвирлаган эса-да, ҳеч қачон фақат ўз кўнгли билан андармон бўлиб қолган эмас. Чунки унинг юраги мудом Ҳақ ва ҳақиқат билан уйғунликда урарди. Шоиранинг шеърлари силлиқ ва бир текис эмас. Зеро, мувозанадан чиққан безовта юракнинг махсули бўлиши битикларга силлиқлик бегона бўлиши табиий. Пўртанали йирик туйғулар ўзининг табиатига яраша ифода тарзини тақозо этади. Халимаопаним кўп аслиқ тажрибага эга ўзбек шеърятдан ана шу қиррадор сезимларни борица тасвирлай олиши билан ўз ўрнини топди”.

Олимимиз айтгани каби шоиранинг “қиррадор сезимлари борица” “Эдошларим ичра юриб, Қайғуларим қуоқлашди”, дея яна халқига, элдошлари тақдирига қуйинаверади. Унинг юрагидан туғилган бундай қўйма ва нуқра сатрлар миллатининг, она ватанининг қон томирларида тошиб оқаётган иймон дарёси тубидида марваридлардек қалб кўзларимизни қамаштиради, ниғоҳларимизни ўткирлаштиради.

Шоира бу дунёдан бедил, нафсига қул, ўзига бино қўйиб, ўзгалар дардини эшитмайдиган, бепарвою бетайин ўтаётганларга қарата тинимсиз қалам чарқлаган қалбони аямайди. Оловлар, туманлар ичига ўзини ураётганларнинг оидинликка интилмоғини истайди:

Ониг занглаб, ониг қуриб,
Ҳаюлатга ёвуқ юриб,
Бир қўйлақ деб гул келинчак
Узин ёқар... ўлим ёнгай!

Эй аҳли юрт!
Тинланг, етс!
Бу ёнишлар давом этса
Бир кун улкан ёнгин содир,
Оҳ, қўрқаман, элим ёнгай!

Ҳеч на ёнмас бу оламда...
Ёнса доғли дилим ёнгай.

Бундай оромсизликнинг авжи Халима опанинг юрагидида то бу фоний дунёни тарк этагунича ҳам пасаймади. Бадиияти юксакларга парвоз қилишдан тўхтамади.

“Хар элга бир байроқ керак қилтираган,
Қўйлар керак, қўтармоққа, чидасалар”,
“Қанча қонинг бўлса — Ватан учун тўқ,
Қанча шонинг бўлса — Ватанини кўтар”,
“Эрк қушлари тўққан қонлар, Бекор кетмас,
Биламан”, “Яшаеша арзирли дунё асли бу,
Эгеринг эгини сидириб есане”, “Бегим Сизни табиат расо қилиб яратган, Қимларидир уйчан, Сизни қулиб яратган”, “Мозий-ку Ватанга юзлаб шон берди, Борми бу қунарлар шон берадиган?”, “Байроқ тутқишга бир оят ёздим, Қўтарувчи қўла ҳимоят ёздим”, “Мен биргина сўз ўстирдим, Мангу кўз юммай, Туркий эли балолардан қўриб чиқар Сўз”, “Онаси ҳам, боласиз ҳам яшаш мумкин-у, Озодликсиз яшаш мумкин эмас ҳеч қачон”, “Болагизга бела қилиб — Озодликни бериб келинг” деган сатрлари ҳаётнинг кураш майдонидида янтраган ногора бонги каби китобларининг, достонларининг, туркий қавмини асрагувчи тумор эканимизнинг эслатиб турувчи бахшиёналарининг ҳар саҳифасидан гуриллаб чиқиб келаверади.

Ерим, сенга фақат ҳур нафас ургай,
Синмас Сустаргани яширган қаъринг.
Ҳар бирда шаҳид қонлар гулургай,
Майдонга тушганда тик болаларинг.

Улуг кун келмоқда, толеинг қулаган,
Элим, танбур, рубоб, бор созингни чал.
Фақат шу қунарлар деб йўлда йиқилган
Қўлларини-да қўталайшк авал.

Бугун еллар қўйчи Туронзаминда...

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариқмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун убунани расмийлаштирган таъшилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида сахифаланди.
Газетанинг полиграфик жаҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Умидим боғлари қайта
гулларди

Халима опа билан телефон орқали ҳам тез-тез суҳбатлашиб турардик. Хали ҳамон телефон рақамини хотиримга келтирсам, устознинг майин, лекин салобат ва умидга тўла ёқимли овозини соғинаман. Шеърларим

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-546.
36390 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Авазбек Худойқулов
Мусахҳис: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Ўза яқуни — 2326 Тошпирилди — 23:55